

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

"МОЛИЯ, БАНК ВА СОЛИҚ ҲУҚУҚИ" КАФЕДРАСИ

**ПУЛ МУОМАЛАСИНИ МОЛИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ
ТАЪМИНЛАШНИНГ ҚОНУНЧИЛИК БАЗАСИ**
мавзусида ёзилган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Бажарди: 4-курс “Давлат ҳуқуқий
фаолият” йўналиши талабаси
Алиев Руфат Асатуллаевич

Илмий раҳбар: Молия, банк ва
солиқ ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси
Раҳматов Элёр Жумабоевич

ТОШКЕНТ-2016

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. МОЛИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР ТИЗИМИДА ПУЛ МУОМАЛАСИНИНГ ТУТГАН ҶРНИ	8
1.1. Пул тушунчаси ҳамда унинг аҳамияти.....	8
1.2. Ҳисоб-китоб муносабатлари тизимида пул муомаласини тадрижий ривожланиши.....	18
1.3. Пул муомаласи турлари ва унинг функциялари.....	28
II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПУЛ МУОМАЛАСИНИНГ МОЛИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҚОНУНЧИЛИК БАЗАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	37
2.1. Ўзбекистон Республикаси пул тизими ва уни ҳуқуқий тартибга солиниши.....	37
2.2. Айрим ривожланган давлатларда пул муомаласини ҳуқуқий тартибга солиш тажрибаси.....	50
2.3. Ўзбекистон Республикасида пул муомаласини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш масалалари.....	57
ХУЛОСА	68
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	72

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги глобаллашув бозор иқтисодиёти шароитида пул муомаласини барқарорлаштириш доимо иқтисодиётни инқироз ҳолатидан қутқаришнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Иқтисодий инқирозлар эса турли мамлакатларда ўзининг кўлами турлича бўлими билан бирга мамлакатнинг молия, пул кредит тизимига чуқур таъсир кўрсатади. Шундай экан, молия пул-кредит тизими ва сиёсатларининг такомиллашиб бориши мамлакат иқтисодий ва ижтимоий ҳаётининг муҳим бўғини бўлиб қолади. Айниқса иқтисодий глобаллашув, мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий интеграллашувининг ўсиб бориши шароитида пул муомаласининг барқарорлигини таъминлаш масаласи эътиборли аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда пул муомаласини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниши учун ҳуқуқшунос олимлар тинмай изланиш олиб боришмоқда. 2008 йили бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi кўпгина давлатлар иқтисодиётига зарар етказган ҳолда уларнинг иқтисодий тизимидаги кўплаб камчиликларни кўрсатиб берди. Бу борада Президентимиз И.Каримов фикрлари диққатга сазовор: "...молиявий-иқтисодий инқирознинг ҳар қайси давлатдаги миқёси, кўлами ва оқибатлари қандай бўлиши кўп жиҳатдан бир қанча омиллардан келиб чиқади. Яъни, бу аввало, ана шу давлатнинг молия-валюта тизими нечоғлиқ мустаҳкам эканига, миллий кредит институтларининг қай даражада капиталлашуви ва ликвидлиги (тўлов имконига), уларнинг чет эл ва корпоратив банк тузилмаларига қанчалик қарам эканига, шунингдек, олтин-валюта захирасининг ҳажми, хорижий кредитларни қайтариш қобилияти ва пировард натижада – мамлакат иқтисодиётининг барқарорлик, диверсификация ва рақобатга бардошлик даражасига боғлиқ"¹.

¹ И.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: "Ўзбекистон", 2009. – Б. 3.

Ҳисоб-китобларни амалга оширишда мамлакатнинг пул муомаласини тартибга солиш ва бу орқали биринчи навбатда иқтисодий инқирозларнинг олдини олиш бугунги кунда долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Тадқиқотнинг мақсадини мамлакатимизда пул муомаласини жорий этиш ва уни молиявий-ҳуқуқий таъминлашнинг қонунчилик базасини такомиллаш, шунингдек, ушбу йўналишда иштирок этувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш билан боғлиқ қонун ҳужжатларини назарий ҳамда амалий жиҳатдан такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш, шу билан бирга, мазкур соҳадаги миллий қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар билдириш ташкил этади.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ушбу мақсадга эришиш қуйидаги **вазифаларни** ҳал этиш орқали амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикасида нақд пул муомаласининг ривожланиш тенденцияларини илмий таҳлил қилиш;

пул муомаласининг юридик табиати, асосий принциплари, ўзига хос хусусиятлари, мазмуни, пул муомаласи элементларини таҳлил қилиш;

пул муомаласини тартибга солувчи қонун ҳужжатларидаги қарама-қаршилиқлар ва бу борадаги жавобгарлик (низолари) амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш, шунингдек ушбу соҳани ҳуқуқий тартибга солинишини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва бошқалар.

Тадқиқот объекти ва предметининг белгиланиши. Тадқиқотнинг **объекти** бўлиб, мамлакатимизда пул муомаласини тартибга солиш ҳамда ушбу соҳани тартибга солувчи умумий ва махсус давлат органларини функциялари ва фаолиятининг асосий йўналишларини белгиловчи, шунингдек, ушбу муносабатлар субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи амалдаги қонун ва қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг **предметини** мамлакатимизда пул муомаласини тартибга солиш ва уларни амалга киритиш борасидаги ҳуқуқий муносабатлар ташкил қилади.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили. Ўзбекистон Республикасида пул муомаласига дахлдор бўлган илмий изланишлар Ш.З. Абдуллаева, М.Д.Марпатов, О.Ю. Рашидовлар томонидан¹ олиб борилган. Аммо улар кўпроқ истисодий категорияларга боғлиқ муносабатларга эътиборини қаратишган.

Ушбу илмий тадқиқотни олиб бориш жараёнида молия ҳуқуқи бўйича олиб борилган илмий изланишларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди, чунки аксарият пул муомаласини ҳуқуқий муносабатлари молия ҳуқуқи доирасида кўриб чиқилгандир. Жумладан, хорижий ва миллий олимлардан Е.Ю.Грачева, М.В.Карасева, Ю.А.Крохина, А.А.Ли, А.А.Мусаткина, А.А.Раҳимова, Э.Т.Ҳожиёв, Н.И.Химичева, Ш.Биллолхўжаева, Ғ.Т.Ҳақимов ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган².

Лекин, Ўзбекистон Республикасида бу соҳани такомиллаштириш юзасидан комплекс ҳуқуқий илмий тадқиқот олиб борилмаганини таъкидлаш ўринлидир.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот ишининг назарий аҳамияти шунда намоён бўладики, тадқиқот иши доирасида мамлакатимизда пул муомаласини такомиллаштиришга, ушбу муносабатларда иштирок этувчи давлат бошқарув органларининг функциялари ва вазифалари ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг

¹Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. –Т.: “Иқтисод – молия”, 2007, 264 – б. М.Д.Марпатов. Пул муомаласи ва пул массаси. Пул, кредит ва банклар: Дарслик. А.А.Омонов, Т.М.Қоралиёв.–Тошкент. 2011. 388 б.Рашидов О.Ю. ва бош. Пул, кредит ва банклар. Дарслик. –Т.: ТДИУ, 2008. 432 б.

² Грачева Е.Ю., Соколова Э.Д. Финансовое право: Учеб.пособие. – М.: Юристъ, 2001. – 384 б.; Карасева М.В. Финансовое правовотношение: Дис. ... д-ра юрид. наук. – Воронеж, 1999. – 369 б.; Крохина Ю.А. Финансовое право: Учебник для вузов. – М.: Норма, 2004. – 704 б.; Ли А.А. Финансовое право Республики Узбекистан. Учебник. / Отв.ред. М.Х.Рустамбаев. – Т.: Ташкентский Гос.юридический институт, 2003. – 416 б.; Мусаткина А.А. Финансовая ответственность в системе юридической ответственности: Автореф. дис. ... канд. юр. наук – Тольятти, 2004. - 28 б. Раҳимова А., Ҳожиёв Э. Молияҳуқуқи. Дарслик. Тошкент, 2002. – 408 б.; Финансовое право: Учебник / Отв.ред. Н.И.Химичева – М.: Издательство БЕК, 1996. – С. 525.; Ш.Биллолхўжаева, Ғ.Т.Ҳақимов. Ўзбекистон Республикасининг молия ҳуқуқи. Ўқув қўлланма. – Т., 2012

хуқуқий мақомининг таҳлиliga бағишланган илк илмий тажриба олиб борилди. Ушбу соҳа муносабатлари ва фаолиятининг хуқуқий асослари таҳлил этилиб, ушбу фаолиятини тартибга солувчи комплекс қонунчилик манбалари мавжудлиги тўғрисида хулосага келинди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мазкур ишда тадқиқ этилаётган масаланинг долзарблиги билан асосланади. Тадқиқот иши натижасида ишлаб чиқилган таклифлар Ўзбекистонда пул муомаласини тартибга солишга қаратилган қонунчиликни такомиллаштиришда ҳамда “Молия хуқуқи”, “Банк хуқуқи” фанларидан дарс ўтиш жараёнида фойдаланилиши мумкин.

Ишда келтирилган хулосалар, айрим атамаларга берилган тавсифлар ва давлат органлари фаолиятига оид билдирилган мулоҳазалар муҳим аҳамият касб этади ҳамда бу борадаги атама ва тушунчалардаги айрим ноаниқликларни ва бўшлиқларни тўлдиради. Ушбу тадқиқот иши бўйича шакллантирилган хулосалардан пул муомаласи, пул муомаласи назорати, пул муомаласи муносабатларида иштирок этувчи субъектларнинг хуқуқларини таъминлаш соҳасида ишлаб чиқиляётган қонун лойиҳаларини янада такомиллаштириш жараёнида ҳамда мазкур соҳада янада кенгроқ тадқиқот ишлари олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Иқтисодий-иқтисодий модернизациялаш шароитида пул муомаласининг давлат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида тутган ўрни назарий ва амалий жиҳатидан асосли равишда ўрганилди.

Тадқиқот ишининг **илмий жиҳатдан янгилиги** қуйидагиларда яққолроқ намоён бўлади:

- пул муомаласининг давлат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида тутган ўрни асосли равишда ўрганилди ва унинг ҳозирги шароитдаги ўзига хос бўлган хусусиятлари тадқиқ қилинди;

- Ўзбекистон Республикаси пул муомаласини тартибга солувчи қонунчилигининг амалдаги ҳолати таҳлил қилинди ва уларнинг асосий йўналишлари бўйича амалга ошириляётган ислохотлар ёритиб берилди;

- жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши асосида пул муомаласини такомиллаштиришга йўналтирилган таклифлар тизими ишлаб чиқилди;

- пулнинг давлат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида тутган ўрни ва аҳамияти ёритиб берилди ва уни ривожлантириш бўйича бир қатор таклифлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот ишининг қисқача тавсифи. Тадқиқот иши кириш, иккита боб, олти параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I БОБ. МОЛИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР ТИЗИМИДА ПУЛ МУОМАЛАСИНИНГ ТУТГАН ҶРНИ

1.1. Пул тушунчаси ҳамда унинг аҳамияти

Пулнинг вужудга келиши кишилик жамияти цивилизациясининг буюк кашфиётларидан ҳисобланади. “Пул” деб номланган махсус товарнинг пайдо бўлиши натижасида одамлар ўртасида айирбошлаш билан боғлиқ зиддиятлар ва “эҳтиёжларнинг бир – бирига мос келмаслиги” каби муаммолар барҳам топди.

Пулнинг вужудга келиши, унинг эволюцион ривожланиши, назарияси, моҳияти ва функциялари ҳақида хорижий ва маҳаллий олимлар, назариячилар, мутахассислар жуда кўп илмий асарлар, мақолалар ва тадқиқот ишлари яратган. Ҳозирги кунда ҳам ушбу жараён давом этмоқда. Шу ўринда таъкидлаш керакки, пул ҳақида, унинг муомаласи ҳақида сўз кетганда, биринчи навбатда унинг иқтисодий категория эканлигига алоҳида урғу бериб ўтмасдан иложимиз йўқ. Иқтисодий адабиётларда пулнинг вужудга келиши ва унинг ҳозирги кундаги кўриниши ҳақида ягона ёндашув мавжуд эмас.

Иқтисодий ва ноиқтисодий муносабатларни тартибга солишда пулнинг роли каттадир. Пул ёрдамида кредит ва бошқа операциялар амалга оширилади. Шу сабабли пул - иқтисодни, унинг айрим бир соҳаларини, иқтисодий фаолиятнинг айрим субъектларини, шунингдек ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг самараси бўлиб ҳисобланади. Пул ёрдамида давлат ва жамиятнинг ортиқча иқтисодий ва ноиқтисодий операцияларини амалга ошириш қисқартирилади. Масалан, давлат бошқа импорт товарларига нисбатан ўзининг товар муносабатларига юқори божхона божини ўрнатиши мумкин ва бошқалар.

Пул мамлакат иқтисодининг ҳолатини, биринчи навбатда, бозорларнинг товарлар билан тўлдирилганлигини, иқтисодий ва ноиқтисодий

муносабатлар субъектларининг молиявий таъминланганлик даражасини ифода этади.

Пул — бу шундай махсус товарки, у бошқа ҳамма товарлар учун умумий эквивалент вазифасини бажаради. Ҳамма товарлар сингари пул ҳам, қийматга ва истеъмол қийматига эга. Шу маънода у бошқа оддий товарлардан фарқ қилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида пул муомиласини уюштириш, пулларни айирбошлаш, уларни сақлаш, тақсимлаш, бўш пулни қарзга бериш, яъни уни сотиш, пул воситасида молияни ташкил этиш каби иқтисодий алоқалар янада кучайиб, мураккаблашиб боради. Пул шаклидаги маблағлар бозор орқали ресурсга айланади ва улар иштирокида товарлар яратилади ҳамда сотилиб, яна пул кўринишига келади.

Пулнинг вужудга келиш сабабини билиш учун қадимда одамлар ўртасида рўй берган айирбошлаш муносабатларини амалга ошириш жараёнига эътибор қаратиш лозим. Чунки, айнан мана шу табиий айирбошлаш жараёни ҳозирги кунда сиз билан биз кундалик ҳаётда ва ҳисоб – китобларда фойдаланиб келаётган пулнинг вужудга келишига замин яратган. Хусусан, пулнинг вужудга келишига қуйидаги омиллар асос бўлиб хизмат қилади:

- қадимги даврда одамлар ўз эҳтиёжидан ортиб қолган истеъмол маҳсулотлари туриб қолмаслиги ва сақлашнинг имконияти бўлмаганлиги боис уларни ўзларига яқин ёки таниш одамларга берган, бу ўз – ўзидан одамлар ўртасида стихияли равишда бир томонлама айирбошлаш муносабатлари вужудга келишига сабаб бўлган;

- кейинчалик одамларнинг онги, дунёқараш ва ҳаёт кечириш тарзи ривожланганлиги натижасида, икки томонлама айирбошлаш муносабатлари вужудга кела бошлади. Бу даврда, кишиларда ўзига зарур бўлмаган буюмнинг ўрнига нимадир олиш эвазига, иккинчи кишига бериши лозимлигини англай бошладилар.

Буларнинг барчаси дастлаб стихияли равишда содир этилиб, бу одамларнинг кундалик учун зарур бўлган буюмлар, озиқ – овқатлар, кийим – кечаклар ва бошқа эҳтиёжларини қондириш натижасида рўй берган. Бу давр ишлаб чиқариш усулининг натурал хўжалик тузуми даврига бориб тақалади. Маълумки, натурал хўжалик тузумидан илгариги даврда ҳар бир киши кунлик эҳтиёж учун зарур бўлган маҳсулотни мустақил равишда ишлаб топган (яратган)лиги боис, улар ўртасида айирбошлаш муносабатларига эҳтиёж мавжуд бўлмаган.

Юқорида қайд этилган икки омил, кишилар ўртасида айирбошлаш муносабатларининг шаклланишига замин яратди, натижада одамлар ихтиёридаги ортиқча маҳсулотни ўзи учун зарур бўлган бошқа маҳсулотга айирбошлашга эҳтиёж сеза бошлади.

Айирбошлаш– бу кишиларнинг истак – хоҳишлари ва эҳтиёжлари маҳсули сифатида амалга ошириладиган жараён бўлиб, бунинг натижасида, томонлар эҳтиёжини қондириш мақсадида ихтиёридаги нарсадан воз кечиб, зарур бўлган нарсанинг ўрнига беришдир. Айирбошлаш кишининг эҳтиёжи бўлган буюмга эга бўлиш имкониятини берадиган жараёндир.

Шунингдек, натурал хўжаликнинг ривожланиб бориши, жамиятда меҳнат тақсимотини шаклланишига олиб келган. Вақт ўтиши билан одамлар ўртасида маҳсулот айирбошлаш жараёни ривожланиб, ишлаб чиқаришнинг ихтисослашув жараёни рўй бера бошлаган. Хусусан, пулнинг вужудга келишида чорвачиликнинг деҳқончиликдан ажралиб чиқиши, кейинчалик хунармандчиликнинг шаклланиши жуда муҳим аҳамият касб этди. Ушбу даврда, одамлар ўртасида маҳсулотларни фаол айирбошлаш жараёни бошланди. Ўша даврдаги айирбошлаш муносабатларини фаоллашишига асосий омиллар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- ишлаб чиқаришнинг натурал хўжалик шаклидан товар ишлаб чиқариш даврига ўтиши;
- ишлаб чиқарувчи субъектларнинг бир – бирига ўзаро боғлиқлигининг вужудга келиши;

• айирбошлаш жараёнида товарлар эквивалентлигининг таъминланганлиги.

Пулнинг моҳияти унинг функцияларида янаям яққолроқ намоён бўлади. Пул иқтисодий категория сифатида нечта функцияни бажариши иқтисодчи олимлар, назариячилар ва иқтисодчилар ўртасида жуда узок даврдан буён тортишувларга сабаб бўлиб келмоқда.

Иқтисодиётни марказдан бошқариш шароитида нашр этилган адабиётларда, пул бешта, яъни *қиймат ўлчови, муомала воситаси, тўлов воситаси, жамғарма воситаси ва жаҳон пули функцияларини* бажариши таъкидланади.

Иқтисодиётни бошқаришнинг бозор муносабатлари жорий этилган мамлакатлар иқтисодий адабиётларида, пул учта, яъни қиймат ўлчови, муомала воситаси ва жамғарма воситаси функцияларни бажариши баён этилади.

Англия – америка иқтисодчи олимлари пулнинг учта функцияси (муомала воситаси, қиймат ўлчови ва жағарма воситаси) мавжудлигини эътироф этишади¹. Жумладан, Эдвин Дж. Долан, Колин Д. Кэмпбелл, Розмари Дж. Кэмпбелллар пул муомала воситаси, қиймат ўлчови ва жамғарма воситаси функцияларини бажаришини таъкидлайди².

Немис иқтисодчи олими К.Книс (1821 – 1898) пулнинг тўртта яъни, қиймат ўлчови, муомала воситаси, тўлов воситаси ва жамғарма воситаси функцияларини эътироф этади.

С.Фишер, Р.Дорнбуш, Р.Шмалензилар ҳам пулнинг тўртта функцияларини бажаришларини эътироф этиб, уларни қуйидаги кетма – кетликда амал қилишини таъкидлайди: биринчиси – муомала воситаси ва

¹Масалан: Харрис Л. Денежная теория. –М.: 1990. –С.75; Долан Э., Линдсей Д. Макроэкономика. – СПб.: 1994, – С. 7 – 8.

²Эдвин Дж. Долан, Колин Д. Кэмпбелл, Розмари Дж. Кэмпбелл. Деньги, банковское дело и денежно – кредитная политика. Пер. с. англ. к.э.н. А.А.Лукашевич, А.П.Маноцкова, к.ф.н. Е.Б.Ярцева, к.ф – м.н. М.Б.Ярцев. –М. – СПб., 1999. –С. 26.

тўлов воситаси, иккинчиси – ўлчов ҳисоби, учинчиси – қийматни сақлаш воситаси, тўртинчиси – кечиктирилган тўловларни ўлчови¹.

К.Маркс пулнинг функциялари концепциясида уни учта функцияси мавжудлигини таъкидлайди. У пулнинг функцияларини қуйидаги кетма – кетликда ифодалайди. Биринчиси – қиймат ўлчови, иккинчиси – муомала воситаси, учинчиси – молиявий пул. К.Маркснинг пулнинг учинчи функцияси айрим иқтисодчилар томонидан жамғарма воситаси, тўлов воситаси ва жаҳон пули каби вазифаларини бажариши мумкинлигини илгари сурилади². Россиялик иқтисодчи олим, профессор О.И.Лаврушин³, профессор В.А.Щегорцова⁴, профессор В.В.Иванов ва профессор Б.И.Соколовлар⁵ таҳрирлари остида чоп этилган Пул, кредит, банклар дарсликларнинг барчасида пул бешта функцияни бажариши эътироф этилади.

Ўзбекистонлик иқтисодчи, профессор Ш.З.Абдуллаева пул тўртта функцияни бажаришини, улар қиймат ўлчови, муомала воситаси, тўлов воситаси ва жамғарма воситаси функциялари эканлигини таъкидлайди⁶.

Профессор О.Ю.Рашидов таҳрири остида чоп этилган Пул, кредит ва банклар дарслигида пул бешта, яъни қиймат ўлчови, муомала воситаси, тўлов воситаси, жамғарма воситаси ва жаҳон пули вазифаларини бажаришини таъкидланади⁷.

Кўриниб турибдики, пулнинг функциялари ҳақида хорижий ва маҳаллий олимларнинг фикрлари турлича бўлиб, биринчи гуруҳ олимлар пулни бешта функцияси мавжудлигини таъкидлашса, иккинчи гуруҳ олимлар унинг тўртта функцияни бажаришини эътироф этади. Учунчи гуруҳ олимлар,

¹Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика. –М.: 2003. –С. 474 – 475.

²Пезенти А. Очерки политической экономики капитализма: в 2 т.: пер. С итал. Т.1. – С. 472 – 473.

³Деньги, кредит, банки: учебник/кол. авт.: под ред. засл. деят. науки РФ, д.э.н. проф. О.И.Лаврушина. – 5 – е изд., стер. –М.: КНОРУС, 2007. –С. 57.

⁴Деньги, кредит, банки: Учебник для вузов. Под ред. проф. Щегорцова В.А. –М.:ЮНИТИ – ДАНА, 2005. –С. 14.

⁵Деньги, кредит, банки: Учеб. – 2 – е изд., перераб. и доп./под ред. В.В.Иванова, Б.И.Соколова. –М.: ТК Велби, изд – во Проспект, 2008. –С. 26.

⁶Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. –Т.: “Иқтисод – молия”, 2007, 13 – б.

⁷Рашидов О.Ю. ва бош. Пул, кредит ва банклар. Дарслик. –Т.: ТДИУ, 2008. 22 – б.

асосан англо – америкаликлар уни учта функцияни бажаришини баён этади. Ҳатто айрим иқтисодий адабиётларда пулни олтига функцияни бажариши кайд этилиб, олтинчи функция сифатида баҳо масштаби эканлигини исботлашга уринишади¹.

Иқтисодчи олимлар пулнинг функциялари ҳақида турлича талқин этишига қуйидагилар сабаб бўлади. Бир гуруҳ иқтисодчи олимлар, пулнинг функциясини замонавий шароитда унинг хоссаларидан келиб чиқиб баён этади, бошқа гуруҳ олимлар эса турли мамлакат олимларининг пулни функциялари хусусидаги фикрларига таянган ҳолда унга талқин беради. Яна бошқа гуруҳ иқтисодчи олимлар эса пулнинг функцияларини таърифлашда унинг тарихан вужудга келиши билан боғлиқ воқелик ва назарияларга таянади.

Пулнинг моҳияти хусусида иқтисодий адабиётларда турли таърифлар ва талқинлар мавжуд бўлиб, унинг моҳиятига нисбатан ягона ёндошув мавжуд эмас. Чунки, жамиятда хўжалик юритиш тузумининг ва ижтимоий – иқтисодий шароитнинг ўзгариши пулнинг моҳиятини турлича талқин этилишини талаб этмоқда. Жумладан, иқтисодчи олимлар ва соҳа мутахассислари пулни – иқтисодий категория сифатида, қиймат ўлчови воситаси, умумэквивалент товар, махсус товар, айирбошлаш воситаси эканлигини эътироф этади.

Пул жамиятда содир бўлаётган ижтимоий – иқтисодий муносабатларда, жами ижтимоий маҳсулотни яратиш, тақсимлаш ва қайта тақсимлашда, бозордаги талаб ва таклиф асосида товарлар баҳосини аниқлашда бевосита қатнашиши унинг моҳиятини намоён қилади. Ҳуқуқий жиҳатдан ёндашадиган бўлсак, пул муомаласи– товарлар айланиши, шунингдек, нотовар тўловлар ва ҳисоб-китобларга хизмат кўпсатувчи нақд пулли ва нақд пулсиз шаклдаги пуллар ҳаракатидир. У мунтазам товар айирбошлаш ва товар

¹Денги, кредит, банки: Учеб. – 2 – е изд., перераб. и доп./под ред. В.В.Иванова, Б.И.Соколова. –М.: ТК Велби, изд – во Проспект, 2008. –С. 25.

бозори шаклланиши ҳамда шунга боғлиқ равишда товар-пул муносабатларининг ривожланиши билан юзага келади.

Пулнинг иқтисодий моҳияти ва унинг заруриятига хориж иқтисодчилари алоҳида эътибор қаратган бўлмасаларада¹, иқтисодий назариячиларнинг асарларида унга нисбатан берилган фикрларини учратиш мумкин. Масалан, А.Смит пулни иқтисодий категория даражасига кўтариб, унга “пул – бу муомаланинг буюк ғилдираги“, “савдо сотиқнинг юксак куроли” сифатида таъриф беради².

Д.Юм А.Смитнинг пул хусусидаги қарашларига эътироз билдириб, “Пул бу – савдо – сотиқнинг ғилдираги эмас, балки у ёғ, шу савдо – сотиқ ғилдирагини эркин ва юмшоқ юришига имконият яратадиган воситадир” деган фикрни билдиради³.

Россиялик иқтисодчи олимлар ҳам пулнинг иқтисодий моҳиятига алоҳида эътибор қаратишган. Жумладан, иқтисод фанлари доктори, профессор Б.И.Соколов пулнинг моҳиятига “пул меҳнат тақсимоли чуқурлашиб бораётган ушбу жамиятда товарларни айирбошлаш ва тўловларни амалга ошириш ишларини енгиллаштиради” дея таъкидлайди⁴.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олима Ш.З.Абдуллаева пул, кредит ва банклар масаласига бағишланган иқтисодий адабиётларда пулнинг моҳиятини очишда учта жиҳатида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлайди. “Биринчидан, пулнинг истеъмол қийматида бошқа товарларнинг қиймати ўз аксини топади. Иккинчидан, пулда ифодаланадиган аниқ меҳнат асосини абстракт меҳнат ташкил этади. Учтинчидан, пулда ифодаланувчи хусусий меҳнат ижтимоий меҳнат сифатида намоён бўлади. Шунга асосланган ҳолда, пул ҳам товар, лекин бошқа товарлардан фарқ

¹Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. –Т.: “Иқтисод – молия”, 2007, 8 – б.

²Смит А. Исследовние природе и причинах богатства народов. Том 1. –С.418, 421.

³Юм Д. Опыты. –М.: Издание К.Т.Солдатенкова, 1996. –С.20.

⁴Соколов Б.И. Деньги, кредит и банки. Учебник. –М.: ТК Вебли, Изд – во. Проспект, 2008. –С.8.

килувчи хусусиятларга эга бўлган махсус товар деган хулосага келиш мумкин”¹.

Пул – бу бошқа неъматларнинг қимматини ўлчаш воситаси (умумий эквивалент) ёки айирбошладда ҳисоб – китобларни амалга ошириш воситаси (айирбошлаш воситаси) функцияларини бажарувчи неъматдир. Пул – бу мутлоқ ликвидликка эга бўлган неъматдир. Пул – бу иқтисодий категория бўлиб, одамлар ўртасидаги муносабатлар унда намоён бўлади ва унинг ёрдамида қурилади. Пулнинг мақсади бозорга оид ўзаро ҳаракатларнинг трансакцион харажатларини тежашдан иборат”².

Юқорида баён этилганлардан кўриниб турибдики, пулнинг моҳиятига хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлар, мутахассислар ва назариячилар ўзларининг ёндашувларини билдирган. Биз уларнинг ушбу фикр ва ёндашувларини тадқиқ қилиш мақсадидан йироқмиз.

Шу ўринда пул муомаласига тўхталиб ўтсак мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз.

Субъектлар ўртасида пул орқали амалга ошириладиган муносабатлар пул муомаласи дейилади. Пул юз бераётган муносабатларда қатнашар экан, у доимий ҳаракатда бўлади, янгиланиб туради ва мунтазам такрор айланади. Иқтисодий жараёнларни амалга оширишда пулнинг маълум даврдаги ҳаракатлар йиғиндиси пул айланмасини ташкил этади.

Пул муомаласи товарлар айланиши, шунингдек, нотовар тўловлар ва ҳисоб-китобларга хизмат кўрсатувчи нақд пулли ва нақд пулсиз шаклдаги пуллар ҳаракатидир. У мунтазам товар айирбошлаш ва товар бозори шаклланиши ҳамда шунга боғлиқ равишда товар-пул муносабатларининг ривожланиши билан юзага келди. Товар айирбошладда қиймат шаклланининг ўрин алмашиши, яъни товарнинг пулга айланиши ва янги товарларни сотиб олиш учун пуллардан кейинги фойдаланиш уларнинг доимий равишда ҳаракатда бўлиши зарурлигини белгилайди.

¹Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. –Т.: “Иқтисод – молия”, 2007, 7 – б.

²Рашидов О.Ю. ва бош. Пул, кредит ва банклар. Дарслик. –Т.: ТДИУ, 2008. 11 – б. (432б).

Нақд пул муомаласига пул белгилари (банкнотлар ва металл тангалар) хизмат қилади. Муомаладаги нақд пуллар муомала воситаси ва тўлов воситаси функцияларини бажаради. Тўлов воситаси сифатида улар нафақат товарлар айланишида, балки бевосита товарни сотиш жараёни билан боғлиқ бўлмаган ҳисоб-китоблар (иш ҳақи, пенсия, нафақа, суғурта суммаларини тўлаш, солиқлар тўлаш, уй-жой коммунал хизмат учун тўловлар ва бошқа тўловлар) учун ҳам фойдаланилади.

Нақд пул муомаласи нақд пул орқали амалга ошириладиган иқтисодий муносабатлар бўлиб, бунда иқтисодий субъектлар ўртасидаги ўзаро товарлар ва қимматли қоғозлар олди – сотдиси, кўрсатилган турли маданий ва маиший хизматлар, суғурта, коммунал тўловлари, нақд пулда кредитлар олиш ва қайтариш, лотерея билетлари харид қилиш, корхона ва ташкилотлар томонидан ишчи ва хизматчиларга нақд пулда иш ҳақи тўлаш ҳамда бошқа мажбурий тўловлар амалга оширилади.

Шунингдек, нақд пул муомаласи давлат бюджетининг нақд пулда шаклланадиган ва тақсимланадиган қисмини ҳам ўзида мужассамлаштиради. Ушбу жараён, бир томондан аҳоли ва яқка тадбиркорларнинг бюджет олдидаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни амалга ошириш жараёнларини, иккинчи томондан эса давлат бюджети томонидан аҳолига нақд пулда пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий тўловларни амалга ошириш жараёнларида ўз аксини топади. Нақд пул айланмаси эса нақд пулларнинг маълум даврдаги ҳаракатлар йиғиндисидан иборат бўлиб, у нақд пул муомаласидаги нақд пуллар ҳаракатидан ташқари пул муомаласини ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган ҳаракатлар йиғиндисини ҳам ўз ичига олади.

Нақд пулсиз пул муомаласида тўлов воситаси сифатида нақд пул бўлмайди. Улар банк муассасалари томонидан пул муносабатлари бир субъекти ҳисобварағидан иккинчи субъектнинг ҳисобварағига ўтказилади. Нақдсиз пул муомаласи оборотдаги нақд пуллар миқдорини камайтириш имконини беради, уларнинг банкларда тўпланиши ҳисобига маблағларнинг

марказлаштирилишига ёрдам беради, умуман пул муомаласини ташкил этиш ва тартибга солишни енгиллаштиради.

Нақд пул муомаласи билан нақд пулсиз пул муомаласи ўртасида ниҳоятда узвий алоқа мавжуд. Бир томондан, нақд пуллар (масалан, иш ҳақи) корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг банк ҳисоб-варақларидан аҳолига келиб тушади (аҳоли айрим гуруҳлари ўртасидаги муомала бунга кирмайди). Иккинчи томондан, аҳолига нақд пулга хизмат кўрсатувчи чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ҳамда бошқа ташкилотлар уларни банклардаги ҳисобварақларига ўтказди, улар нақд пулсиз ҳисоб-китоблар учун ҳам фойдаланилиши мумкин.

Давлат пул тизими ҳуқуқнинг турли тармоқлари меъёрлари билан тартибга солиниб, улар ичида молия ҳуқуқи меъёрлари етакчи ўрин тутди. Молия ҳуқуқи ёрдамида давлат пул тизимининг асосий элементлари белгиланиб, уларга пул бирлиги номи, қонуний тўлов кучига эга бўлган пул белгилари турлари, пулларни эмиссия қилиш ва муомалада бўлиш тартиби (таъминоти, чиқарилиши, муомаладан олиниши ва ҳ.к.), пул муомаласини амалга оширувчи давлат органлари ваколати киради.

Кўрсатилганлардан хулоса қилиш мумкинки пул тушунчаси ва уни қўлланиши буйича кўплаб олимлар ўз фикрларини билдирган бўлиб, биз Ўзбекистонлик олим иқтисод фанлари доктори, профессор О.Ю.Рашидов ва бошқалар иштирокида нашрдан чиқарилган дарсликда билдирилган фикрга қўшиламыз, яъни “Пул – бу умумий эквивалент сифатида қўлланиладиган универсал товарнинг алоҳида тури бўлиб, бошқа барча товарларнинг қиймати у орқали ифодаланади. Пул – бу бошқа неъматларнинг қимматини ўлчаш воситаси (умумий эквивалент) ёки айирбошлашда ҳисоб – китобларни амалга ошириш воситаси (айирбошлаш воситаси) функцияларини бажарувчи неъматдир. Пул – бу мутлоқ ликвидликка эга бўлган неъматдир. Пул – бу иқтисодий категория бўлиб, одамлар ўртасидаги муносабатлар унда намоён

бўлади ва унинг ёрдамида қурилади. Пулнинг мақсади бозорга оид ўзаро ҳаракатларнинг трансакцион харажатларини тежашдан иборат”¹.

1.2. Ҳисоб-китоб муносабатлари тизимида пул муомаласини тадрижий ривожланиши

Пул ҳозирги кундаги кўриниши, ҳолати ва даражасига етгунга қадар жуда узоқ тарихий даврни бошидан кечирди. Ер юзида пулдан айирбошлаш воситаси сифатида фойдаланиб келинаётганига етти минг йилдан ортиқ вақт бўлди². Бу давр ичида дастлабки пуллар товар, буюм, оддий металл ва қимматбаҳо металллар кўринишидан ҳозирги кунда кенг фойдаланиб келинаётган қоғоз ва электрон пуллар кўринишигача етиб келди.

Жамиятда ижтимоий – иқтисодий жараёнлар такомиллашиб ва ривожланиб боргани сари пулнинг шакли, пул ишлари ва пул иштирокидаги ҳисоб – китоблар ҳам доимий равишда такомиллашиб ва ривожланиб келмоқда.

Пулнинг ривожланишига туртки бўлган асосий омиллар қуйидагилар ҳисобланади.

1.Товар ишлаб чиқаришнинг кенгайиши ва меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви.

2. Барча шакллардаги мулк қийматларининг ўсиши.

3. Товарлар олди – сотдиси бўйича айланмалар ҳажмининг ортиши.

Танга пулларнинг ривожланиш тарихи. Мавжуд иқтисодий адабиётларда дастлабки танга пуллар Хитой мамлақатида ва қадимги Лидия хонлиги даврида милоддан аввалги VII асрда пайдо бўлганлигини таъкидлайди. Манбаларга кўра, биринчи олтин пуллар бизнинг эрамизгача бўлган VII асрда Лидия шоҳи Гигеснинг буйруғи билан зарб этилган. Олтинга ўзининг тасвирини тушириб зарб қилган биринчи шоҳ Александр

¹Рашидов О.Ю. ва бош. Пул, кредит ва банклар. Дарслик. –Т.: ТДИУ, 2008. 11 – б. (4326).

²Деньги, кредит, банки: учебник/кол. авт.: под ред.засл.деят. науки РФ, д.э.н. проф. О.И.Лаврушина. – 5 – е изд., стер. –М.: КНОРУС, 2007. –С. 25.

Македонский ҳисобланади, ўша даврда олтиннинг қиймати унинг пробаси ва оғирлиги билан ўлчанар эди.

АҚШда монеталар 1793 йилда зарб этилган, шу даврга қадар ва ундан кейин узок муддат давомида мамлакатда хорижий мамлакатларнинг тангалари тўлов воситаси сифатида амал қилган. Мамлакатда айрим хорижий тангалар 1857 йилгача тўлов воситаси сифатида муомалада иштирок этди.

Муомалада олтин тангалар тўлов воситасини бажарганда улар ҳақиқий пул сифатида ўзининг сохибига иқтисодий зарар келтирмайди ва автоматик равишда бошқарилиб туриш хусусиятига эга бўлган. Яъни, уларни ҳозирги пайтдаги каби қоғоз пулларни эмиссияси орқали тартибга солиб туришга эҳтиёж бўлмаган. Агар олтин тангаларнинг ҳажми эҳтиёждан ортиб кетадиган бўлса, улар бойлик сифатида автоматик тарзда жамғармага ўтади, аксинча бўлганда эса тўлов воситаси сифатида муомалага чиқади. Шу боис ҳам олтин тангалар тўлов воситасини бажарган пайтда пул тизимини тартибга солиш аппарати ва пул – кредит сиёсатини амалга оширишга эҳтиёж бўлмаган.

Ўзбекистон ҳудудида дастлабки металл тангалар милоддан илгариги VI асрда Аҳмоний шоҳ Доро I томонидан зарб этилган. Ушбу металл тангаларнинг оғирлиги 8,4 граммни ташкил этган бўлиб, “дарик” деб номланган тилла тангалар эканлиги тахмин қилинади. Ўша вақтларда, яъни милоддан илгариги VI – IV асрларда ҳозирги Ўзбекистоннинг асосий қисми, яъни Хоразм, Суғдиёна ва Сак қабилалари яшаган ҳудудлар Аҳмонийлар давлати таркибида бўлганини ҳисобга олсак, ушбу “дарик”лар Ўзбекистон заминида амал қилган бизга маълум биринчи тангалар бўлган десак хато қилмаймиз.

Милоддан аввалги 330 – 327 йилларда македониялик Искандар Аҳмонийлар салтанатини тор – мор қилиб, ҳозирги Ўзбекистон заминида жойлашган Бақтрия ва Сўғдиёнага бостириб киради. Македониялик Искандар сурати туширилган тангалардан вазни 4,1 г. бўлган кумуш драхма, вазни 8,2 г. бўлган кумуш дидрахма (икки драхма) ҳамда вазни 16,4

г. бўлган кумуш тетрадрахма (тўрт драхма)лар зарб қилиниб, улар муомалада бўлгани маълум. Шунингдек, вазни 8,4 г. бўлган олтин танга (старер) ва вазни 40 граммдан ортиқ бўлган кумуш декадрахма ҳам зарб қилинган.

Юнон – Бақтрия давлати томонидан зарб этилган тангалардан 100 донага яқини Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида топилган. Ушбу давлат пул тизими асосини ўша пайтда драхма, дидрахма, тетрадрахма ва декадрахмалар ташкил этганлиги тарихий манбалардан маълум.

Ҳозирги Ўзбекистоннинг асосий қисми V асрнинг иккинчи ярмида Сирдарёнинг шарқий соҳилидан кириб келган деб тахмин қилинаётган ва тарихда эфталийлар номи билан қолган қабилалар томонидан босиб олинади.

Эфталийлар дастлабки пайтларда сосоний ҳукмдорлари Баҳром ва Перознинг кумуш тангаларидан кенг фойдаланишган. Бунинг асосий сабаби сифатида сосонийлар томонидан эфталийларга ўлпон сифатида тўланган жуда кўп миқдордаги кумуш тангалар хазинада тўпланганлигига боғлиқ деб тахмин қилинади.

Эфталийлар ҳукмронлиги даврида жуда кўп миқдорда, баъзи маълумотларга қараганда 200 дан кўпроқ марта металл тангалар зарб қилинган. Ҳар бир вилоят, ҳар бир ярим қарам худуд ўзи танга зарб қилиш ҳуқуқига эга бўлган.

Умуман, V – VI асрларда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудига шимол ва шарқ томонлардан турли кўчманчи халқлар тинимсиз босқинчилик қилиб кириб кела бошлайди. VIII асрнинг ўрталарида Ўрта Осиё араблар томонидан босиб олиниб, ўлкада ислом дини жорий этилади ва қадимий юрт Мовароуннаҳр деб атала бошлайди. Шу даврдан бошлаб муомалада бўлган металл тангалар кўринишида ўзгаришлар юз бера бошлайди. Аста – секин тангалардан шоҳ ва ҳокимларнинг суратлари ўрнини ислом оятлари эгаллайди. Натижада “куфи” номи билан тарихда маълум бўлган тангалар даври бошланади.

Ислом империясида марказлаштирилган бошқарув тизими ташкил этилгандан кейин халифа Абдумалик 696 йилда империянинг бутун ҳудудида ягона пул тизимини жорий этди. Шу даврдан бошлаб, йирик савдо

битимларини амалга ошириш учун вазни 4,3 грамм бўлган олтин динар зарб этилган. Маош ва солиқлар тўлови учун вазни 2,8 грамм бўлган кумуш драхмалар чиқарилади. Кундалик савдо – сотиқ эса мис тангалар – фулуслар ёрдамида (юнонча “фоллис” ҳамён маъносини англатади) амалга оширила бошлади. Бу пул бирликлари Мовароуннаҳрда ҳам ўша даврда муомалада бўлган.

XII асрнинг ўрталарида, хоразмшоҳ Отсиз даврига келиб, Хоразм давлати кучайиб кетади. XII аср 80 – 90 йилларига келиб Хоразм ўзига Мовароуннаҳр, Эрон, Форсий Ироқни бўйсундиради. Хоразм давлати хоразмшоҳ Текаш (1172 – 1200 йиллар) ва унинг ўғли Муҳаммад (1200 – 1220 йиллар) ҳукмронлиги давларида айниқса гуллаб – яшнаган.

Хоразмшоҳлар давлатида ҳам анъанавий мусулмон пул бирликлари – олтин динарлар, кумуш дирҳамлар ва мис фулуслари муомалада бўлган. Бу тангаларда ҳам анъана тарзида халифа номи қайд қилиниб, ундан сўнг хоразмшоҳ номи битилган.

Мўғуллар истилоси даврида (1220 йил ёзидан) Хоразмда ва унинг тобелигидаги худудларда вазни 1,8 – 1,9 грамм бўлган кумуш дирҳамлар муомалада бўлган. Майда савдо – сотиқ учун мис пуллар чиқарилган.

Амир Темур даврида унинг 40 дан ортиқ танга зарбхоналари бўлганлиги ва бу ерларда зарб этилган олтин ва кумуш тангалар Европада ҳам машҳур бўлганлиги ҳақида кўп маълумотлар мавжуд. Биргина Фарбий Эрон ва Озарбойжонда Амир Темурнинг номи битилган 120 турдан ортиқ олтин ва кумуш тангалар муомалага киритилган¹.

Россияда XIX асрда ва XX асрнинг бошларида нақд пул шаклида олтин тангалар кенг қўлланилган, хусусан 1895 – 1897 йиллардаги пул ислохотларидан кейин ҳам биринчи жаҳон урушига қадар муомалада ўн ва беш сўмлик олтин тангалар мавжуд бўлган. Ўзбекистон территориясида ҳам

¹Ўзбекистон худудида танга ва қоғоз пулларнинг чиқарилиши ва амал қилиши билан боғлиқ материаллар Ф.Муллажоновнинг Ўзбекистон Республикаси банк тизими китоби (–Т.: «Ўзбекистон» 2001й. 6 – 27 бетлар)дан фойдаланилган ҳолда тайёрланди.

октябр инқилобига қадар Чор Россиясининг тангалари билан бир қаторда Бухоро ва Хива хонлигининг олтин тангаларидан фойдаланилган.

Жаҳон цивилизациясининг таборо ривожланиб бориши ва иқтисодий муносабатларнинг такомиллашуви муомалада қоғоз пулларнинг вужудга келишига замин яратди. Натижада, қимматбаҳо металллар ўрнини қоғоз пуллар эгаллади.

Қоғоз пулларнинг муомалага киритилиши. Манбаларга кўра, дастлабки қоғоз пуллар X асрнинг охири XI асрнинг бошларида Хитойда чиқарилган. Хитойда қоғоз пуллар муомалага чиқишида мамлакатда қоғознинг кашф этилганлиги ва босма машиналарининг яратилганлиги муҳим аҳамият касб этган. Дастлаб муомалага чиқарилган қоғоз пуллар “эркин танга”, кейинчалик “қимматбаҳо қоғоз тангалар” деб юритилди, улар мамлакатда эркин айланадиган тўлов воситалари бўлсада олтин ёки товарлар билан таъминланмаган эди.

Ўзбекистонда қоғоз пуллар. 1918 йилдан бошлаб дастлаб Бухоро амирлигида муомалага чиқарилган. Муомалага чиқарилган номинали 20, 60, 100, 200, 300, 500, 1000, 2000, 3000, 5000, ва 10000 қоғоз пуллар танга деб аталган.

1920 йилда Бухоро Шўро қўшинлари томонидан босиб олиниб, Бухоро амирлиги ўрнига Бухоро Совет Халқ Республикаси (БСХР) ташкил этилади. Янги БСХР да 1920 йилда Бухоро амирлиги томонидан чиқарилган металл ва қоғоз тангалар муомалада бўлиб келади, ҳамда уларни бир оз ўзгартирилган ҳолда чиқариш, яъни совет символикаси қўйилган ҳолда танга номи билан қоғоз пуллар муомалага чиқариш давом этган. 1921 йилда БСХР муомалага янги, номинали рублда кўрсатилган қоғоз пулларни чиқара бошлайди. Бу пуллар 3000, 10000 ва 20000 рубл номиналда муомалага чиқарилган.

1922 йилда БСХР томонидан деноминация амалга оширилиб, пулларнинг номинали юзлаб марта камайтирилган ва 1, 5, 10, 25, 100 рубллик янги пуллар муомалага чиқарилган. Аммо кўп ўтмасдан, кучли инфляция натижасида паст номиналдаги пул бирликлари бозор эҳтиёжларини қондира

олмай қолади ва 1000, 2500 ва 5000 рубллик пуллар босиб чиқарила бошлаган¹.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган кунга қадар мамлакатимизда амалда Иттифоқ даврида барча учун умумий бўлган пул бирлиги амал қилган. Мустақилликка эришгандан кейинги мамлакатимиз иқтисодий олдидан турган устувор масалалардан бири пул муносабатларини тартибга солиш ва миллий валютамизни яратиш ишлари олиб борилган.

Умуман олганда, мамлакатимизда миллий пул тизимимизни ташкил этиш даврини бевосита 3 босқичга бўлиб ўрганган мақсадга мувофиқ саналади.

Биринчи босқич. Пул тизимининг биринчи босқичи 1991 йил сентябрдан 1993 йил ноябр ойигача бўлган даврни ўз ичига олади. Ушбу даврда Ўзбекистон пул тизими Россия пул тизимига бевосита боғлиқ эди. Чункибу даврда мамлакатимиз миллий валютаси муомалага киритилмаган, барча ҳисоб китоблар Россия рубли билан амалга оширилган эди. Бу даврда пул – кредит тизими ўзбошидан мураккаб ва оғир даврни кечирди.

“Мустақилликнинг биринчи йилларида Ўзбекистон ҳукумати сиёсий ва иқтисодий ислоҳатларни амалга ошириш пайтида икки ўзаро зиддиятли, бири иккинчисини инкор қиладиган ҳолатга дуч келиб қолди: бир томондан сиёсий мустақиллик, бошқа томондан – ягона рубль, демак, иқтисодий қарам зонада турганлик ҳолати эди. Бу ҳолат нафақат Ўзбекистон, балки собиқ Иттифоқнинг бошқа республикалари учун ўзига хос хусусият эди”².

Бунинг натижасида мамлакатимиз пул тизимини ташкил топишининг биринчи босқичида қуйидаги муаммолар мавжуд эди:

– банклар орқали мижозлар ва аҳолини нақд пул билан таъминлашдаги муаммолар. Дастлаб Россия Давлат банки “рубл зонасида”ги мамлакатларга бераётган ҳар бир рублини 25 фоизи миқдорида тўлов белгилаган, яъни ўзи

¹Ўзбекистон ҳудудида танга ва қоғоз пулларнинг чиқарилиши ва амал қилиши билан боғлиқ материаллар Ф.Муллажоновнинг Ўзбекистон Республикаси банк тизими китоби (–Т.: «Ўзбекистон» 2001й. 6 – 27 бетлар)дан фойдаланилган ҳолда тайёрланди.

² Муллажонов Ф.М. Ўзбекистон Республикаси банк тизими. –Т.: «Ўзбекистон» 2001. 33 – бет.

берган 100 рублнинг 25 рублини қайтариб олиб қолиш шарти билан маблағ берган бўлса, аста секин бу тўлов миқдори ошиб борди. Россияда товарларга, жумладан, озиқ – овқат моллари ва пахтага эҳтиёжнинг кучайганлиги сабабли ўзидан олиб келаётган маблағни 100 фоиз товар билан таъминлаш шартини қўйди. Яъни Ўзбекистон ўзи олиб кетаётган қадрсизланган қоғоз пуллар ўрнига жаҳон бозорида қиймати олтин билан ўлчанадиган пахта толаси беришга мажбур бўлаётган эди¹;

– Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мустақил пул – кредит сиёсатини амалга оширишдаги муаммолар. Пул тизимини ташкил топишининг биринчи босқичида бунинг имконияти мавжуд эмас эди, чунки муомалага чиқарилаётган пуллар Россия Марказий банки томонидан амалга оширилиб, уларни тартибга солиш имконияти мавжуд эмас эди.

Шунинг учун, дастлабки вақтларда истеъмол бозорини ҳимоя қилиш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1993 йил 15 майда “Пул муомаласини тартибга солиш ва республика истеъмол бозорини ҳимоялашни кучайтириш тўғрисида” қарор қабул қилди. Мазкур қарорга кўра аҳолининг товар сотиб олиши ва депозит операцияларининг бажарилишида паспорт ва купон тизими жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 1993 йил 10 майдан бошлаб, банкларга қўйиладиган омонатлар паспорт асосида қабул қилиниши жорий этилди, қиймати 25 минг рублдан юқори бўлган товарларни купонлар асосида сотилиши белгилаб қўйилди, 25 минг рублдан юқори қийматдаги товарлар банк омонатчиларнинг топшириғига кўра, пул ўтказиш йўли билан амалга оширилиши жорий этилди.

Иккинчи босқич. 1993 йил ноябрдан 1994 йил июн ойига тўғри келади. Ушбу даврда, яъни 1993 йил 15 ноябрдан муомалага оралиқ “сўм – купон”лар киритилди.

¹Ўша манба.

1993 йил 15 ноябрдан бошлаб Россиянинг номинали 5000 ва 10000 бўлган рубллари муомаладан чиқарилди. Бу пуллар Жамғарма банк муассасларигагина топширилиши керак эди. Шу билан бирга, бу купюраларни банк муассасаларида қиймати паст бўлган купюраларга алмаштириш таъқиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 22 ноябрдаги “Истеъмол бозорини ҳимоялаш ва республикада пул муомаласини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ 1993 йил 1 декабрдан бошлаб собиқ СССР Давлатбанкнинг 1961 – 1992 йиллар намунасидаги 200, 500 ва 1000 рубллик пул билетларининг муомалада тўлов воситаси вазифасини бажариши тўхтатилди.

Бу купюралар 25 минг рублгача бўлган товарлар ва кўрсатилган хизматлар ҳақи тарзида ҳамда Жамғарма банк муассасалари томонидан доимий турар жой рўйхатида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан 1993 йил 1 декабргача қабул қилинди. Фуқароларнинг Жамғарма банк муассасаларига қўядиган омонатларининг чекланган суммаси купюралар қийматидан қатъи назар 200000 рубл миқдорида белгиланди. Ушбу миқдордан ошган суммалар 1993 йил 4 декабргача алоҳида махсус фоизсиз ҳисобварақларга киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 30 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида “сўм – купон”ларнинг муомалада бўлиш тартибини янада такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги қарорида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 1993 йил 15 ноябрда муомалага чиқарилган, қиймати 1, 3, 5, 10, 25, 50, 100, 200, 500, 1000, 5.000, 10.000 бўлган сўм – купонлар қонуний тўлов воситаси ҳисобланиши белгилаб қўйилди. Бунда, Россия Давлат банкнинг 1993 йил намунасидаги барча қийматдаги банкнотлари дастлабки даврда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сўм – купонлар билан бир қаторда чекловларсиз тўлов воситаси сифатида қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 апрелда қабул қилинган “Пул муомаласини мустаҳкамлаш ва “сўм – купон” харид қобилиятини оширишнинг кечиктириб бўлмайдиган чора – тадбирлари тўғрисида”ги қарори пул муомаласини барқарорлаштириш, сўмнинг харид қобилиятини ошириш учун зарур шарт – шароитларни яратишда муҳим тадбир бўлди. Ушбу қарорга мувофиқ, 1994 йил 15 апрелдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Россия банки банкнотларининг муомалада бўлиши ҳамда юридик ва жисмоний шахслар томонидан турли тўловларга қабул қилиниши таъқиқлаб қўйилди¹.

Пул тизимининг учинчи босқичи 1994 июлдан то ҳозирги кунгача бўлган даврни ўз ичига олади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 122 – моддаси ва “Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида”ги қонуннинг 11 – моддаси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1993 йил 3 сентябрдаги 952 – XII – сонли қарорига мувофиқ 1994 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний тўлов воситаси бўлган миллий валюта “Сўм” муомалага киритилди.

Банк муассасалари томонидан 1994 йил 1 июл ҳолатига кўра мулкчилик шаклидан қатъи назар, республика ҳудудида рўйхатга олинган юридик шахсларнинг ҳисоб – китоб ва жорий ҳисобварақларидаги барча пул маблағларини, шунингдек, инвентарлаш ва бухгалтерлик ҳисоби маълумотлари асосида 1000 сўм – купон – 1 сўм нисбатида барча асосий ва айланма фондларнинг баланс қиймати, бошқа моддий бойликлар, дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлари, бюджетга қарздорлик ҳамда банк баланси актив ва пасивларининг барча қолган моддалари, республика ва маҳаллий бюджетлар маблағлари қолдиқлари, шунингдек, ташкил топиш манбаларидан қатъи назар, бюджетдан ташқари фондларнинг маблағлари тўлиғича қайта ҳисобланди.

¹Ф.Муллажонов. Ўзбекистон Республикаси банк тизими. –Т.: “Ўзбекистон”. 2001. 25 – 45 бетлар.

Пул муомаласини тартибга солишни ҳуқуқий асосларини шакилланишида мазкур босқич алоҳида ўрин тутди, хусусан айрим қонун ва қонун ости ҳужжатлари ўз кучини йўқотиб, пул муомаласини ҳуқуқий тартибга солиш тизими янада такомиллаштирилди.

“Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги, “Таров тўғрисида”ги, “Ер солиғи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа қонунлар қабул қилинганлиги муносабати билан 1994 йил 6 майдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартишлар ва кўшимчалар киритиш ҳақида” қонунни 2 бандига асосан “Ўзбекистон Республикасининг пул тизими тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида”ги Қарори¹ ва “Ўзбекистон Республикасининг пул тизими тўғрисида”ги Қонун²и ўз кучини йўқотган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида” 2000 йил 21 мартдаги ПФ-2564-сон Фармонида мувофиқ ва пул муомаласини ҳуқуқий тартибга солиш, банк тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш, бўш маблағларни банк муомаласига жалб қилиш ва банкларнинг иқтисодийнинг аниқ секторида ишлаётган корхоналарни кредитлаш бўйича имкониятларини кенгайтириш, банкларнинг мустақиллигини таъминлаш ва аҳолининг молия-банк тизимида бўлган ишончини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан унинг 104 сонли қарори эълон қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Банк тизимини такомиллаштириш ва пул-кредит муносабатларини барқарорлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 1994 йил 18 мартдаги 146-сон қарори³ ўз кучини йўқотган деб топилган.

Шу тарзда мамлакатимиз пул тизимининг асоси бўлиб ҳисобланадиган миллий валюта барча ҳисоб – китоблар ва тўловлар бўйича ягона тўлов

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 06.05.1993 й. 836-ХII-сон

² Ўзбекистон Республикасининг 06.05.1993 й. 835-ХII-сон

³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Банк тизимини такомиллаштириш ва пул-кредит муносабатларини барқарорлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”.18.03.1994 й. 146-сон

воситаси сифатида амал қила бошлади. Бу ўз навбатида, Марказий банк ва тижорат банкларига пул тизимини нафақат сиёсий жиҳатдан, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам тўлиқ мустақил бошқариш имкониятини вужудга келтирди.

1.3. Пул муомаласи турлари ва унинг функциялари

Пул муомаласи товарлар айланиши, шунингдек, нотовар тўловлар ва ҳисоб-китобларга хизмат кўрсатувчи нақд пулли ва нақд пулсиз шаклдаги пуллар ҳаракатидир. У мунтазам товар айирбошлаш ва товар бозори шаклланиши ҳамда шунга боғлиқ равишда товар-пул муносабатларининг ривожланиши билан юза-га келди. Товар айирбошлашда қиймат шаклларининг ўрин ал-машиши, яъни товарнинг пулга айланиши ва янги товарларни сотиб олиш учун пуллардан кейинги фойдаланиш уларнинг доимий равишда ҳаракатда бўлиши зарурлигини белгилайди.

Нақд пул муомаласига пул белгилари (банкнотлар ва металл тангалар) хизмат қилади. Муомаладаги нақд пуллар муомала воситаси ва тўлов воситаси функцияларини бажаради. Тўлов воситаси сифатида улар нафақат товарлар айланишида, балки бевосита товарни сотиш жараёни билан боғлиқ бўлмаган ҳисоб-китоб-лар (иш ҳақи, пенсия, нафақа, суғурта суммаларини тўлаш, солиқлар тўлаш, уй-жой-коммунал хизмат учун тўловлар ва бошқа тўловлар) учун ҳам фойдаланилади.

Нақд пулсиз пул муомаласида тўлов воситаси сифатида нақд пул бўлмайди. Улар банк муассасалари томонидан пул муносабатлари бир субъекти ҳисобварағидан иккинчи субъектнинг ҳисобварағига ўтказилади. Нақдсиз пул муомаласи оборотдаги нақд пуллар миқдорини камайтириш имконини беради, уларнинг банкларда тўпланиши ҳисобига маблағларнинг марказлаштири-лишига ёрдам беради, умуман пул муомаласини ташкил этиш ва тартибга солишни енгиллаштиради.

Нақд пул муомаласи билан нақд пулсиз пул муомаласи ўртасида ниҳоятда узвий алоқа мавжуд. Бир томондан, нақд пуллар (масалан, иш ҳақи) корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг банк ҳисобварақларидан

аҳолига келиб тушади (аҳоли айрим гуруҳлари ўртасидаги муомала бунга кирмайди). Иккинчи томондан, аҳолига нақд пулга хизмат кўрсатувчи чакана савдо ва уму-мий овқатланиш корхоналари ҳамда бошқа ташкилотлар уларни банклардаги ҳисобварақларига ўтказди, улар нақд пулсиз ҳисоб-китоблар учун ҳам фойдаланилиши мумкин.

Давлат пул тизими ҳуқуқнинг турли тармоқлари меъёрлари билан тартибга солиниб, улар ичида молия ҳуқуқи меъёрлари етакчи ўрин тутди. Молия ҳуқуқи ёрдамида давлат пул тизимининг асосий элементлари белгиланиб, уларга пул бирлиги номи, қонуний тўлов кучига эга бўлган пул белгилари турлари, пулларни эмиссия қилиш ва муомалада бўлиш тартиби (таъминоти, чиқарилиши, муомаладан олиниши ва ҳ.к.), пул муомаласини амалга оширувчи давлат органлари ваколати киради.

Пул муомаласи қонунчилик асослари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки норматив ҳужжатларида аниқлаштирилган бўлиб, улар воситасида нақд пул ва нақд пулсиз пул муомаласи тартибга солинади¹.

Ҳозирги вақтда нақд пул муомаласини ҳуқуқий тартибга солишнинг икки тартиби назарда тутилган: биринчидан, банклар томонидан нақд пул муомаласи бўйича ишларни ташкил этиш тартиби ва иккинчидан, юридик шахслар томонидан касса опера-цияларини юритиш тартиби.

Пул муомаласининг моҳияти унинг функцияларида янаям яққолроқ намоён бўлади. Пул иқтисодий категория сифатида нечта функцияни бажариши иқтисодчи олимлар, назариячилар ва иқтисодчилар ўртасида жуда узоқ даврдан буён тортишувларга сабаб бўлиб келмоқда.

Иқтисодиётни марказдан бошқариш шароитида нашр этилган адабиётларда, пул бешта, яъни **қиймат ўлчови, муомала воситаси, тўлов воситаси, жамгарма воситаси ва жаҳон пули функцияларини** бажариши таъкидланади.

¹ Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ҳуқуқий тартибга солиш ушбу дарсликнинг 21-бобида кўриб чиқилади.

Иқтисодий бошқаришнинг бозор муносабатлари жорий этилган мамлакатлар иқтисодий адабиётларида, пул учта, яъни қиймат ўлчови, муомала воситаси ва жамғарма воситаси функцияларни бажариши баён этилади.

Англия – америка иқтисодчи олимлари пулнинг учта функцияси (муомала воситаси, қиймат ўлчови ва жағарма воситаси) мавжудлигини эътироф этишади¹. Жумладан, Эдвин Дж. Долан, Колин Д. Кэмпбелл, Розмари Дж. Кэмпбелллар пул муомала воситаси, қиймат ўлчови ва жамғарма воситаси функцияларини бажаришини таъкидлайди².

Немис иқтисодчи олими К.Книс (1821 – 1898) пулнинг тўртта яъни, қиймат ўлчови, муомала воситаси, тўлов воситаси ва жамғарма воситаси функцияларини эътироф этади.

С.Фишер, Р.Дорнбуш, Р.Шмалензилар ҳам пулнинг тўртта функцияларини бажаришларини эътироф этиб, уларни қуйидаги кетма – кетликда амал қилишини таъкидлайди: биринчиси – муомала воситаси ва тўлов воситаси, иккинчиси – ўлчов ҳисоби, учинчиси – қийматни сақлаш воситаси, тўртинчиси – кечиктирилган тўловларни ўлчови³.

К.Маркс пулнинг функциялари концепциясида уни учта функцияси мавжудлигини таъкидлайди. У пулнинг функцияларини қуйидаги кетма – кетликда ифодалайди. Биринчиси – қиймат ўлчови, иккинчиси – муомала воситаси, учинчиси – молиявий пул. К.Маркснинг пулнинг учинчи функцияси айрим иқтисодчилар томонидан жамғарма воситаси, тўлов воситаси ва жаҳон пули каби вазифаларини бажариши мумкинлигини илгари сурилади⁴.

¹ Масалан: Харрис Л. Денежная теория. – М.: 1990. – С. 75; Долан Э., Линдсей Д. Макроэкономика. – СПб.: 1994, – С. 7 – 8.

² Эдвин Дж. Долан, Колин Д. Кэмпбелл, Розмари Дж. Кэмпбелл. Деньги, банковское дело и денежно – кредитная политика. Пер. с англ. к.э.н. А.А.Лукашевич, А.П.Маноцкова, к.ф.н. Е.Б.Ярцева, к.ф – м.н. М.Б.Ярцев. – М. – СПб., 1999. – С. 26.

³ Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика. – М.: 2003. – С. 474 – 475.

⁴ Пезенти А. Очерки политической экономики капитализма: в 2 т.: пер. С итал. Т.1. – С. 472 – 473.

Россиялик иқтисодчи олим, профессор О.И.Лаврушин¹, профессор В.А.Щегорцова², профессор В.В.Иванов ва профессор Б.И.Соколовлар³ тахрирлари остида чоп этилган Пул, кредит, банклар дарсликларнинг барчасида пул бешта функцияни бажариши эътироф этилади.

Ўзбекистонлик иқтисодчи, профессор Ш.З.Абдуллаева пул тўртта функцияни бажаришини, улар қиймат ўлчови, муомала воситаси, тўлов воситаси ва жамғарма воситаси функциялари эканлигини таъкидлайди⁴.

Профессор О.Ю.Рашидов тахрири остида чоп этилган Пул, кредит ва банклар дарлигида пул бешта, яъни қиймат ўлчови, муомала воситаси, тўлов воситаси, жамғарма воситаси ва жаҳон пули вазифаларини бажаришини таъкидланади⁵.

Кўриниб турибдики, пулнинг функциялари ҳақида хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг фикрлари турлича бўлиб, биринчи гуруҳ олимлар пулни бешта функцияси мавжудлигини таъкидлашса, иккинчи гуруҳ иқтисодчи олимлар унинг тўртта функцияни бажаришини эътироф этади. Учинчи гуруҳ иқтисодчи олимлар, асосан англо – америкаликлар уни учта функцияни бажаришини баён этади. Ҳатто айрим иқтисодий адабиётларда пулни олтига функцияни бажариши қайд этилиб, олтинчи функция сифатида баҳо масштаби эканлигини исобтлашга уринишади⁶.

Иқтисодчи олимлар пулнинг функциялари ҳақида турлича талқин этишига қуйидагилар сабаб бўлади. Бир гуруҳ иқтисодчи олимлар, пулнинг функциясини замонавий шароитда унинг хоссаларидан келиб чиқиб баён этади, бошқа гуруҳ олимлар эса турли мамлакат олимларининг пулни функциялари хусусидаги фикрларига таянган ҳолда унга талқин беради. Яна

¹ Деньги, кредит, банки: учебник/кол. авт.: под ред.засл.деят. науки РФ, д.э.н. проф. О.И.Лаврушина. – 5 – е изд., стер. –М.: КНОРУС, 2007. –С. 57.

² Деньги, кредит, банки: Учебник для вузов. Под. ред. проф. Щегорцова В.А. –М.:ЮНИТИ – ДАНА, 2005. – С. 14.

³ Деньги, кредит, банки: Учеб. – 2 – е изд., перераб. и доп./под ред. В.В.Иванова, Б.И.Соколова. –М.: ТК Велби, изд – во Проспект, 2008. –С. 26.

⁴ Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. –Т.: “Иқтисод – молия”, 2007, 13 – б.

⁵ Рашидов О.Ю. ва бош. Пул, кредит ва банклар. Дарслик. –Т.: ТДИУ, 2008. 22 – б.

⁶ Деньги, кредит, банки: Учеб. – 2 – е изд., перераб. и доп./под ред. В.В.Иванова, Б.И.Соколова. –М.: ТК Велби, изд – во Проспект, 2008. –С. 25.

бошқа гуруҳ иқтисодчи олимлар эса пулнинг функцияларини таърифлашда унинг тарихан вужудга келиши билан боғлиқ воқелик ва назарияларга таянади.

Пулнинг функциялари хусусида фикр юритганда унинг асл (ҳақиқий пул) қийматига эга бўлган ва асл қийматига эга бўлмаганлиги (ўринбосар пуллар) га эътибор қаратиш лозим. Чунки муомалада асл қийматга эга бўлган пуллар тўлов воситасини бажарганда уларда пулнинг барча функциялари намоён бўлади ва аксинча. Асл қийматга эга бўлган пуллар сифатида қимматбаҳо металллар олтин ва кумушни, кредит пулларни ва 100 фоиз олтин билан таъминланган пулларни қайд этиш мумкин. Асл қийматга эга бўлмаган пулларга қоғоз пуллар, олтин асосига эга бўлмаган кредит пуллар киради.

Ҳақиқатда ҳам қимматбаҳо металллар тўлов воситасини бажарган пайтда улар пулнинг барча функцияларини бажарган. Қимматбаҳо металллар ўрнини қоғоз пуллар эгаллагандан сўнг, қоғоз пулларнинг инфляцияга учраши натижасида улар пулнинг барча функцияларини бажармай кўйди. Шунинг учун бўлса керак, юқорида кўриб чиқилганидек, вақт ўтиши билан пулнинг функциялари ҳақида турли қарашлар вужудга кела бошлади.

Пулнинг функциялари хусусидаги фикрларга таяниб, пул тўртта, яъни **қиймат ўлчови, муомала воситаси, тўлов воситаси ва жамгарма воситаси функцияларини** бажаради деган фикрга келдик.

Пулнинг **қиймат ўлчови** функцияси асосан товарлар қийматини баҳо шаклида акс эттириш орқали намоён бўлади. Пулнинг қиймат ўлчови барча товарлар учун умумэквивалент воситаси сифатида уларнинг қийматини ўлчайди. Барча товарларнинг қиймати пул ўлчови воситаси, яъни баҳо масштаби, дастлабки босқичда ҳукумат томонидан ўрнатилади. Масалан, метр ўлчови билан узунликни, килограмм ўлчови билан оғирликни ўлчаган каби, пулнинг қиймат ўлчови функцияси билан барча товарларнинг қиймати ўлчанади.

Ўзбекистонда қиймат ўлчови бевосита миллий валюта “сўм”, АҚШда доллар, Европа иттифоқига аъзо мамлакатларда евро, Буюк Британияда фунт стерлинг, Японияда иена қиймат ўлчови воситаси ҳисобланади.

Пулнинг инфляция даражаси юқори бўлган пайтда унинг қиймат ўлчови функциясининг амал қилиши бир қадар чегараланади. Масалан, 1939 йилдан 1949 йилгача Япония иенасининг инфляция даражаси юқори бўлганлиги учун кўпчилик япон савдогарлари товарларнинг баҳосини белгилашда, айрим ҳолларда савдо сотикни ҳам АҚШ долларарида амалга оширганлар. Чунки АҚШ долларининг қиймат ўлчови иенага нисбатан бир неча баробар мустаҳкам ва барқарор бўлган. Шунинг учун, Японияда 1939 – 1949 йилларда барча товарлар баҳоси иккита нархда, доллар ва иенада юритилар эди. Айти пайтда, иенада белгиланган товарлар баҳоси ошиб бориш тенденциясига эга эди, долларда эса баҳолар дастлабки ҳолатидан ўзгармасдан қолган.

Ҳукумат мамлакатда пул ислоҳотини амалга ошириш орқали пулнинг қиймат ўлчовини ўзгартириши мумкин. Пул ислоҳоти – муомаладаги пул массасини камайтириш орқали, унинг жорий қиймат ўлчовидан бошқасига ўтишдир. 1944 – 1952 йилларда Европа мамлакатларида 24 мартадан ортиқ пул ислоҳотлари амалга оширилган.

Собиқ иттифоқ даврида рубл кучли инфляцияга учрамаган ва иқтисодиёт нисбатан барқарор даражага эга бўлган бўлсада, 1961 йилда мамлакатда пул ислоҳоти амалга оширилган. Ҳукумат муомалада мавжуд бўлган рублларни янги чиқарилган рублларга 1/10 нисбатда пул ислоҳотини амалга оширган. Ўша даврда ўтказилган пул ислоҳотининг асосий мақсади мамлакатдаги хуфёна иқтисодиётнинг улушини камайтириш ва баҳо масштабини пасайтиришга қаратилган бўлиб, хуфёна иқтисодиёт иштирокчилари эски рублларни тўлиғича янги банкноталарга алмаштира олмаганлиги натижасида иқтисодий жиҳатдан зарар кўрган ва баҳо масштаби 10 мартага камайган.

Пулнинг *муомала воситаси* бозор иштирокчилари ўртасида товарларни олди – сотдиси ва хизматларни кўрсатиш жараёнида намоён бўлади. Ушбу жараёнда пул воситачи ролини бажаради.

Бозор муносабатларининг такомиллашуви ва ривожланган мамлакатларда фан – техника тараққиётининг таборо жадаллашиб бориши пулнинг муомала воситаси функциясининг аҳамиятини бир қадар пасайишига сабаб бўлмоқда. Чунки, мамлакат пул обороти таркибида нақд пул билан амалга оширилаётган ҳисоб – китобларнинг улуши камайиб бормоқда. Нақд пуллар асосан аҳоли томонидан фойдаланиши, кейинги йилларда пластик карточкаларнинг кўплаб турлари жорий этилиши, ҳисоб – китобларда нақд пулсиз тўловлар ҳажмининг ортиб бориши каби ҳолатлар пулнинг муомала воситаси функциясининг аҳамиятини пасайишига олиб келмоқда. Масалан, 1994 – 1997 йилларда Англия ва Францияда 10%, Канада ва Германияда 7%, АҚШда 2% ишчи ходимларгина иш ҳақларини нақд пулда олишган.

Товарлар сотилганда ва хизматлар кўрсатилганда, улар учун тўлов кечиктириб амалга оширилган барча ҳолатларда пул *тўлов воситаси* функциясини бажаради. Демак, сотилган товар ва кўрсатилган хизматлар тўлов жараёнида узилиш бўлмаса, пул муомала воситасини бажаради, агар ушбу жараён маълум даврга узилиши, яъни тўлов кечиккан ҳолатларнинг барчасида, пул автоматик тарзда, ўзининг тўлов воситаси функциясини бажаради.

Пулнинг тўлов воситаси функцияси асосан қуйидаги ҳолатларда намоён бўлади;

– жами ижтимоий маҳсулотни яратиш, тақсимлаш ва қайта тақсимлашда;

– давлат бюджети харажатларини шакллантириш ва қайта тақсимлашда;

– хўжалик субъектлари ўртасида амалга оширилаётган нақд пулсиз ҳисоб – китобларни амалга оширишда;

– ва бошқа ҳолатларда.

Айрим иқтисодий адабиётларда, айниқса ривожланган мамлакатларда чоп этилган адабиётларда, пулнинг тўлов воситаси функцияси, унинг алоҳида функцияси сифатида эътироф этилмайди. Пулнинг ушбу функцияси унинг муомала воситаси функцияси билан ҳамохонг тарзда ўрганилади. Пулнинг иккита функцияси бир – бирига қўшиб ўрганилганда «...пул товарлар ва хизматларнинг тўлови ва қарзларнинг тўлов воситаси»¹ тарзида таъкидланади.

Пул ўзининг муомала ва тўлов воситаси функцияларини бажармаган вақтда *жамғарма функциясини* бажаради. Демак, пуллар пул обороти жараёнида товарлар ва кўрсатилган хизматларнинг муомала воситаси сифатида намоён бўлмаганда, шунингдек, олдиндан кўрсатилган хизматлар ва сотиб олинган товарлар учун тўлов воситаси вазифасини бажармаган пайтларда жамғарма функциясини бажаради. Агар, жамиятда юз бераётган иқтисодий муносабатлар ва аҳолининг ижтимоий – иқтисодий фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, пул асосан жамғарма воситаси функциясини бажараётганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Пулнинг жамғарма воситаси функцияси аҳолининг вақтинча фойдаланмасдан кишилар ўзи билан олиб юрганда ёки уйда сақлаганда, банкнинг омонат ҳисобварақларида сақланиши, шунингдек, барча турдаги хўжалик юритувчи субъектларнинг нақд пул кўринишида кассада сақланадиган вақтинча бўш маблағлари ва банк ҳисобварақларида нақд пулсиз кўринишда намоён бўлади.

Пулнинг жамғарма функциясининг аҳамиятини ошириш учун қуйидагиларни таъминлаш лозим:

– омонатчиларнинг кредит муассасаларда сақланаётган пул маблағларидан иқтисодий манфаат кўриш, истаган пайтда тўлиқ ва зудлик билан қайтариб олиш имкониятини таъминланганлиги;

¹ Долан Э., Кэмпбелл., Кэмпбелл Р. Деньги банковское дело и денежно – кредитная политика. –М.: Профико, 1991. –С. Шунингдек, Харриса Л. Денежная теория. –М.: Прогресс, 1990. –С.82.

– қўйилган маблағларнинг кафолатланганлиги (сир сақланиши, иқтисодий барқарорлиги, тўлиқ қайтарилиши);

– риск даражасининг пастлиги.

Пулнинг функциялари бир – бирига бевосита боғлиқ бўлиб, улар доимо бир – бирини тўлдирган ҳолда иқтисодиётда ҳаракатда бўлади.

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПУЛ МУОМАЛАСИНИНГ МОЛИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҚОНУНЧИЛИК БАЗАСИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

2.1. Ўзбекистон Республикаси пул тизими ва уни ҳуқуқий тартибга солиниши

1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилинди. Ўзбекистон Республикаси сиёсий жиҳатдан мустақилликка эришди. Эндиги вазифа - иқтисодий мустақилликни таъминлаш ва бозор муносабатларига асосланган жамият қуриш билан боғлиқ катор муоммоларни ҳал қилишдан иборатдир.

Ҳар қандай давлатнинг мустақиллигини таъминлайдиган бир қанча омиллар мавжуд, булар: чегара, чегарани кўриқлайдиган кўшин, давлат рамзлари - байроқ, герб ҳамда иқтисодий муомила воситаси бўлмиш - миллий валютадир.

Ўзбекистон Республикаси 1992 йил ноябрь ойидан бошлаб аввал сўм купонларни, сўнг миллий валютани муомилага киритди.

Ўзбекистон Ҳукумати халқ учун қулай бўлган ана шу ягона йўлдан борди. Биздан аввал миллий валютасини жорий қилган республикалардан ҳар хил йўллар билан оқиб келаётган, мол билан таъминланмаган қоғоз пулларнинг кўпайиб кетганини ҳисобга оладиган бўлсак, бирданига миллий валютани жорий этиш, унинг салмоғини жуда тушириб юборган бўларди. Рубль билан 1:1 нисбатида алмаштириш эса пулимизни бирданига қадрсиз қилиб қўяр эди. Миллий валютага СЎМ-купон орқали босқичма-босқич ўтиш аҳолини ҳам, бўлажак ўзбек СЎМини ҳам ҳеч нарса билан таъминланмаган рубль босқинидан муҳофаза қилади.

Шу тариқа ўзбек СЎМи дунёга келди. СЎМни жорий этишда Ўзбекистон ўзи танлаган йўлдан борди.

Ҳар қандай давлатнинг пул тизими ҳуқуқий тартибга солишнинг объекти ҳисобланади.

Пул тизими – бу мамлакатда пул муомаласини амалга оширишнинг шакли бўлиб, унинг асосини миллий валюта ташкил этади ва миллий валюта орқали тартибга солинади.

Кишилик жамиятининг вужудга келиши, ривожланиши ва такомиллашуви баробарида товар – пул муносабатлари ҳам шунга монанд ҳолда ривожланиб ва такомиллашиб борди. Шунингдек, пул тизими ҳам мавжуд ижтимоий – иқтисодий жараёнлар давомида икки турдан иборат бўлди. Хусусан:

– металл пуллар тизими, бунда товар пул (қимматбаҳо металл) муомала воситасини бажаради, металл пуллар тўлов воситасини бажарганда уларда пулнинг барча функциялари намоён бўлади;

– қоғоз – кредит пуллар тизими, олтин ва кумуш танга пуллар эволюцион тарзда қоғоз – кредит пуллари томонидан муомаладан сиқиб чиқарилди.

Бугунги замонавий пул тизими қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

пул тизимини ташкил этиш тамойиллари;

пул бирлиги;

баҳо масштаби;

пулнинг турлари;

пул бирликлари ва белгиларини эмиссия қилиш тартиби ва уларнинг таъминланганлик асослари;

пул муомаласини тартибга солишнинг усуллари;

мамлакатда пул оборотининг таркиби ва уни ташкил этиш.¹

Пул бирлиги ва унинг номи ҳукуматнинг тегишли қонун ва меъёрий ҳужжатлари асосида белгиланади. Қонун ва тегишли меъёрий ҳужжатлар асосида белгилаб қўйилган пул белгилари мамлакатда ягона тўлов воситаси вазифасини бажаради. Мамлакат иқтисодиётида муомалада бўлган пул бирлиги ўзининг номига эга бўлади. Миллий валютанинг номи барча

¹Соколов Б.И. Деньги, кредит и банки. Учебник. –М.: ТК Вебли, Изд – во. Проспект, 2008. –С.12-13.

мамлакатларда турлича номда юритилади. Масалан, АҚШда доллар, Буюк Британияда фунт стерлинг, Хитойда юан ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 122-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси ўз молия ва пул кредит тизимига эга¹.

Ўзбекистон Республикаси худудида пул сиёсатини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг роли жуда ҳам каттадир. Пул тизими ҳамда пул муомиласини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан олиб борилади.

Ўзбекистон Республикасида пул тизими - бу республикада пул муомиласини ташкил этиш шакл ва усулларини ҳуқуқий тартибга солиш демакдир.

Демак, пул тизими конституцион мақомга эга. Пул тўғрисидаги конституцион меъёрлар, бир вақтнинг ўзида конституцион (давлат) ҳуқуқининг ҳам, молия ҳуқуқининг ҳам меъёри ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида пул комплекс равишда, яъни турли ҳуқуқ соҳалари билан тартибга солинади. Жумладан, молия ҳуқуқи меъёрлари Ўзбекистон Республикаси пул тизимининг ҳолатини белгилаб беради. Бундан ташқари, молия ҳуқуқи меъёрлари ёрдамида пулнинг нормал функцияланиши, яъни пул бирликларининг тўлов қобилияти, нақд пул бирликлари муомиласи тартиби, ҳисоб-китобларни ташкил этиш асослари ва бошқалар таъминланади. Фуқаролик ҳуқуқи меъёрлари пулга (пул бирликларига) бўлган мулкчиликни, фуқаролик-ҳуқуқий характеридаги битимлардаги ҳисоб-китобларни тартибга солади. Маъмурий ҳуқуқ меъёрлари пул тизими соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни тартибга солади. Жиноят ҳуқуқи меъёрлари эса, пул тизимига қарши қаратилган жиноятлар учун жавобгарликни тартибга солади.

Шундай қилиб, давлатнинг пул тизимига ҳуқуқнинг деярли барча соҳалари таъсир кўрсатади.

¹Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2015. – Б. 35.

Пул тизимига бағишланган махсус молиявий-ҳуқуқий меъёрлар "Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида"ги қонунда кўрсатиб ўтилган. Бундан ташқари пул тизимига тааллуқли бўлган баъзи бир меъёрлар Ўзбекистон Республикасининг "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги қонунда, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида ва бошқа бир қанча қонунчилик актларида кўрсатиб ўтилган¹.

Бу қонунчилик актларига:

- “Пул массаси ўсишини чеклаш ва молия интизомини риоя этиш масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.03.2002 й. ПФ-3047-сон Фармони,

- “Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (Ўзбекистон Республикаси ВМ 22.06.2001 й. 264-сон Қарори,

- “Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки Бошқарувининг 2008 йил 10 мартдаги 300-В-сон Қарори билан тасдиқланган “Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом

- Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки Бошқарувининг 2008 йил 24 мартдаги 296-В-сон ва Ўзбекистон Республикаси ДСҚ 2008-21-сон Қарори билан тасдиқланган “Банк кассаларига топширилаётган нақд пул тушумининг барқарор ўсишини ва уларнинг узлуксиз берилишини таъминланиши бўйича мансабдор шахсларни рағбатлантирилиши ва уларнинг масъулиятини ошириш тартиби тўғрисида”ги Низомлар²ни мисол тариқасида келтириб ўтсак бўлади.

Пул тизими функцияланишини таъминловчи молиявий-техник масалалар, яъни пул бирликларини ясаш, уларни ўтказиш, сақлаш ва инкассация тартиби, пул бирликларининг захира жамғармаларини ташкил этиш, тўлов қобилияти хусусиятлари ва тартибини ўрнатиш, шикастланган пул белгиларини алмаштириш ва муомиладан чиқариш ва бошқалар қонун

¹ www.lex.uz

² Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан www.lex.uz сайтида танишиш мумкин

асосида чиқариладиган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг меъёрий актлари билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси пул тизими бир неча элементлардан ташкил топган. **Пул тизими элементлари** жумласига қуйидагилар киради:

- *расмий пул бирлиги;*
- *нақд пул эмиссиясининг тартиби;*
- *пул муомиласини ташкил этилиши ва тартибга солиниши.*

Ўзбекистон Республикасининг расмий пул бирлиги СЎМдир. Бир сўм юз тийиндан иборат. Сўм Ўзбекистон Республикасида ягона, чекланмаган ва қонуний тўлов воситаси бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг пул бирлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 16 июнда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикаси миллий валютасини муомиллага киритиш тўғрисида"ги Фармонга биноан 1994 йил 1 июлдан бошлаб муомиллага киритилди¹.

"Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида"ги қонунга биноан Марказий банк, Ҳукумат билан ҳамкорликда, пулнинг мустақамлигини таъминлашга қаратилган ягона давлат кредит-пул сиёсатини ишлаб чиқади ва амалга оширади².

Пул муомаласи - бу пулнинг нақд пул ва нақд пулсиз шаклдаги ҳаракати бўлиб, товарлар муомиласига хизмат қилади.

Юқоридаги таърифдан кўриниб турибдики, пул муомиласининг икки тури мавжуд:

а) пулнинг *нақд пул шаклида*, яъни пул бирликлари (банкнотлар ва тангалар) шаклидаги муомиласидир. Бунда тўлов воситаси бўлиб - бир субъектнинг иккинчи субъектга маълум бир товар, иш ёки хизмат учун ва қонунда белгиланган бошқа ҳолларда (масалан, жарима) бериладиган реал пул бирликлари ҳисобланади;

¹Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 16.06.1994 йилдаги ПФ-870-сон, кучга кириш санаси 16.06.1994

²Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда.

б) пулнинг *нақд пулсиз шаклдаги* муомиласи. Пулнинг нақд пулсиз шаклдаги ҳаракати - бу бир субъектнинг банкдаги ҳисобидан иккинчи субъектнинг ўша банкдаги ёки бошқа банкдаги ҳисобига маълум бир пул суммасининг ўтказилишидир.

Одатда фуқаролар ўртасидаги ёки фуқароларнинг ташкилотлар билан бўладиган муносабатларида нақд пул шаклидаги тўлов воситаси қўлланилади, юридик шахслар ўртасидаги муносабатларда эса, асосан нақд пулсиз шаклдаги тўлов воситаси қўлланилади. Юридик шахслар баъзи ҳолларда (масалан, иш ҳақини тўлаш) нақд пул шаклидаги тўловларни амалга оширишлари мумкин.

Пул массаси - бу муомилада бўлган пул бирликлари; юридик шахслар ва фуқароларнинг банкдаги ҳисобларида ва омонатларида сакланадиган пул маблағлари; банкларнинг пул мажбуриятларидир.

Пул массасининг миқдори ва унинг таркиби Марказий банк томонидан назорат қилинади. Марказий банк пул – кредит инструментлари орқали мамлакатда пул массасини оқилона меъёрини таъминлайди.

Пул массаси таркиби асосан иккита компонентдан ташкил топади.

Муомаладаги нақд пуллар – пул массасининг юқори ликвидли маблағлари ҳисобланиб, исталган пайтда тўлов воситаси сифатида фойдаланиш имкониятини беради. Ушбу агрегат муомаладаги банкнот ва тангаларни ўз таркибига олади.

Нақд пулсиз маблағлар – мулкӣ шаклидан қатъий назар барча турдаги хўжалик юритувчи субъектларнинг кредит муассасаларида ҳисобрақамлардаги, шунингдек, пластик карточкалар ва ҳисоб – китоб чеки кўринишидаги маблағлардан иборат.

Нақд пул муомиласи - уларнинг эмиссиясидан, яъни пул бирликларини муомилага чиқаришдан бошланади.

“Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги қонунга биноан нақд пул эмиссияси (муомиласи) ва уларни ташкил этиш, пул

маблағларини муомиладан қайтариб олиш Марказий банк томонидан амалга оширилади.¹

Муомилада бўлган банкнотлар ва тангалар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қатъий мажбуриятлари ҳисобланади ва унинг жамики активлари билан таъминланади. Шунинг билан бирга Марказий банк йўқ қилиб юборилган, йўқотилган, қалбаки, ясама ва қонуний кучини йўқотган банкнотлар ва тангаларни ўрнини қопламайди.

Марказий банк банкнотлар ва тангаларнинг намуналарини, шунингдек уларнинг дизайнини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Кенгаши билан келишган ҳолда тасдиқлайди. Банкнот ва тангаларнинг дизайни Марказий банкнинг мулки ҳисобланади. Марказий банк янги намуналардаги банкнот ва тангалар муомиллага чиқарилиши тўғрисидаги ахборотни, шунингдек уларни тавсифини оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

Банкнотлар ва тангаларни қалбакилаштиришдан сақлаш мақсадида, вақти-вақти билан уларнинг модификацияси амалга оширилади.

Нақд пул муомиласини таъминлаш мақсадида янги қийматдаги пул бирликлари чиқарилиши мумкин.

Муомилада бўлган нақд пул таркиби ҳамда нақд пул билан амалга ошириладиган ҳисоб-китобларнинг тўхтовсиз олиб борилиши учун Марказий банк жавобгар бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида нақд пул шаклида қуйидаги ҳисоб-китоблар амалга оширилиши мумкин:

- корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг аҳоли билан ҳисоб-китоблари;
- товар ва озик-овкат бозорларида маълум бир фуқаролар ўртасидаги ҳисоб-китоблар;
- аҳолининг молиявий-кредит органлари билан бўладиган ҳисоб-китоблари;

¹Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда.

- маълум бир чегара доирасида корхоналар, ташкилотлар ўртасидаги ҳисоб-китоблар.

Бозор иқтисодиёти ва банк тизими ривожланган давлатларда нақд пул шаклида ҳисоб-китобларни амалга ошириш – бутун пул муомиласининг 3-8 фоиздан ошмайди. Бу давлатларда хизматчиларнинг ва бошқа ходимларнинг иш ҳақлари банкдаги тегишли ҳисоб рақамларига ўтказилади. Масалан, АҚШда - 1 фоиз; Англияда - 10 фоиз; Францияда – 10 фоиздан камроқ; Канадада – 5 фоизга яқин аҳоли иш ҳақини нақд пул шаклида олишади холос.¹

Одатда, аҳолининг товарлар (ишлар, хизматлар) учун ҳисоб-китоблари, аксарият ҳолларда, нақд пулсиз шаклда, яъни: ҳисобдан-ҳисобга ўтказиш, чеклар, кредит ва магнит карточкалари орқали амалга оширилади.

Нақд пул муомиласининг асоссиз кенгайиши мамлакат иқтисодиётида пулнинг тақчиллигини ва иқтисодиётнинг молиявий мувозанати бузилишини келтириб чиқариши мумкин.

Нақд пулсиз шаклдаги пул муомиласида - тегишли муносабатлар субъектлари ўртасида тўлов воситаси сифатида реал пул birlikлари (банкнотлар ва тангалар) иштирок этмайди. Бундай муносабатларда асосан ўзига хос символлар, яъни пул массаси муомиласи тўғрисидаги рақамли ёзувлар фойдаланилади.

Ўзбекистонда нақд пулсиз ҳисоб – китоблар Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқарувининг 2013 йил 26 апрел кунидаги 9/1-сонли қарори билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 3 июнда рўйхатдан ўтказилган “Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида”ги 60 – сонли Низом²га асосан ташкил этилади.

¹ М.В.Карасева, Ю.А.Крохина. Финансовое право. Москва, Норма, 2012 г. Ст.147

²Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 23-сон, 309-модда

Ўзбекистонда нақд пулсиз ҳисоб – китоблар шакллари жорий этиш, умумий талаб ва қоидаларини белгилаш ҳамда назорат қилиш Марказий банк томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон тижорат банклари, тегишли қонуний ва меъёрий ҳужжатлар асосида мулкчилик шаклидан қатъий назар хўжалик юритувчи субъектларга қуйидаги нақд пулсиз ҳисоб – китоблар шакллари амалиётга жорий этади:

- ✓ тўлов топшириқномалари билан ҳисоб-китоблар;
- ✓ аккредитив бўйича ҳисоб-китоблар;
- ✓ инкассо бўйича ҳисоб-китоблар;
- ✓ чеклар билан ҳисоб-китоблар.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишда қуйидаги ҳисоб-китоб ҳужжатларидан фойдаланилади:

- мемориал ордер;
- тўлов топшириқномаси;
- тўлов талабномаси;
- инкассо топшириқномаси;
- аккредитивга ариза;
- тижорат банкининг ҳисоб-китоб чеки.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар банк пластик карталаридан фойдаланган ҳолда ҳам амалга оширилиши мумкин¹.

Юқорида қайд этилган нақд пулсиз ҳисоб – китобларни амалга оширишда қуйидаги пул – ҳисоб – китоб ҳужжатларидан фойдаланади:

- мемориал ордер, ушбу ҳужжатдан миқозлар билан боғлиқ банк операциялари бўйича ҳисоб-китобларда, банк хизматларини кўрсатиш бўйича ҳисоб-китобларда, банкларнинг ўз ички операцияларида, миқознинг қарздорлик маблағларини қоплашда, агар банклар билан миқозлар ўртасида тузилган шартномада белгилаб қўйилган бўлса, бухгалтерия ҳисобидаги хато

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 23-сон, 309-модда

ёзувларни тузатишда; жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ёзма топшириқлари бўйича маблағларни нақд пулсиз шаклда ўтказишни амалга оширишда.

– тўлов топшириқномаси, мижознинг унга хизмат кўрсатувчи банкка ўз ҳисобварағидан топшириқномада белгиланган суммани маблағларни олувчининг ҳисобварағига ўтказиш тўғрисидаги топшириғи назарда тутилган ҳисоб-китоб ҳужжати.;

– тўлов талабномаси, маблағларни олувчининг маблағларни тўловчи томонидан тўлов талабномасида кўрсатилган суммани банк орқали тўлаш тўғрисидаги талаби назарда тутилган ҳисоб-китоб ҳужжати;

– инкассо топшириқномаси, маблағларни олувчининг инкассо топшириқномасида кўрсатилган суммани маблағларни тўловчининг ҳисобварағидан сўзсиз равишда ҳисобдан чиқариш бўйича топшириғи назарда тутилган ҳисоб-китоб ҳужжати.

– аккредитивга ариза, мижоз сотиб оладиган товарлар ва хизматлар учун тўланадиган маблағларни депонентлаш ҳақида ўз банкка тақдим этадиган ҳужжат ҳисобланади;

– ҳисоб – китоб чеки, асосан жисмоний шахслар ва савдо ташкилотлари ўртасида қўлланиладиган ҳужжат бўлиб, учинчи шахс, асосан савдо ташкилотлари чекдаги маблағни талаб қилиб ўз банкка тақдим этади.

Ҳозирги вақтда нақд пулсиз шаклдаги тўловларни амалга оширишда электрон курилмалардан кенг фойдаланилмоқда. Бу электрон курилмаларининг қулайлик томонлари шундаки, улар ёрдамида нафақат бир ҳудуд миқёсида, балки бутун мамлакат, ҳатто халқаро маконда ҳисоб-китоблар тўғрисидаги тегишли маълумотлар қисқа муддатларда берилади.

Мамлакатимизда пул муомаласини янада такомиллаштириш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенгайтириш, банкдан ташқари муомалани қисқартириш ва солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олиш мақсадида турли чора-тадбирлар мунтазам равишда олиб борилмоқда. Хусусан, бу

соҳани ривожлантириш мақсадида турли ҳуқуқий ва ноҳуқуқий¹ фаолият шакллари олиб борилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августда чиқарган “Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 280-сонли Қарори² асосида 2002 йил 5 августдан бошлаб хўжалик юритувчи субъектларнинг нақд пул тушумини инкасса қилишда инкасса гуруҳи таркибига давлат солиқ хизматининг инкасса қилинадиган объектларда текшириш ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахслари мажбурий тартибда киритилди.

Шу билан биргаликда, давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахсларига Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши билан келишган ҳолда улгуржи ва чакана савдода, умумий оқатланиш ва пулли хизматлар кўрсатиш соҳасида савдо ва нақд тушумни топшириш қоидаларига риоя қилинишини режадан ташқари тезкор текширишларни амалга ошириш ҳуқуқи берилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари белгиланган савдо ва нақд тушумни топшириш қоидалари бузилишининг солиқ органлари томонидан аниқланган ҳоллари бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қаттиқ чоралар кўриш назарда тутилган қоидалар белгиланди³.

Қаттиқ чоралар деганда, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси юридик шахслар ва юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан белгиланган савдо қоидаларига сўзсиз риоя этилиши таъминланиши устидан қаттиқ назорат ўрнатиш, бунда товарларни нақд пулга улгуржи сотишга йўл қўймасликка, назорат-касса машиналари мавжудлигига, нақд пул маблағлари ўз вақтида инкасса қилинишига алоҳида эътибор бериш, айбдор шахсларга нисбатан жиноий жазога тортишгача

¹Бизга “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” фанидан маълумки, “ноҳуқуқий” шаклларга ташкилий масалалар, техник кўмак, мажлислар уюштириш, кўрсатма ва маслаҳатлар беришлар киради

²Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й., 15-16-сон, 120-модда

³Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й., 15-16-сон, 120-модда

конун ҳужжатларида белгиланган жавобгарлик чоралари қўллаш назарда тутилди¹.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги” кодексининг 175-моддасида “Касса операцияларини юритиш тартиби ва тўлов интизомини бузиш, шу жумладан, қарздор корхоналардан тўловларни ундириш бўйича солиқ органларининг инкассо топшириқларини бажармаслик, шунингдек дебиторлик ва кредиторлик қарзи муддатларини ўтказиб юбориш ҳамда корхоналарнинг ҳисобварақларида тегишли маблағлар бўлган ҳолда тўловларни амалга оширишнинг белгиланган муддатларини бузиш, шунингдек пул маблағларини ҳисобдан чиқариш навбатини бузиш, - мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади” деган норма мустаҳкамланган. Ушбу норма талаблари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 24 январдаги “Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-1363-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 17 декабрда 565-сон билан рўйхатга олинган “Юридик шахслар томонидан касса операцияларини юритиш Қоидалари”²да кўзда тутилган нормалар талабидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган.

Нақд пулсиз шаклдаги тўловларни амалга ошириш юқорида келтириб ўтган норматив-ҳужжатлар билан биргаликда, яна бир қанча меъёрий актлар билан тартибга солинади.

Буларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақкамасининг 1994 йил 11 июлдаги 356-сонли “Муомиладаги нақд пулларни камайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги³ ҳамда 1995 йил 12 майдаги ПФ - 1154-сонли “ Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва

¹Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2002 й., 15-16-сон, 120-модда

²www.lex.uz

³Ўзбекистон Республикаси. Фармонлар ва қарорлар. Иккинчи китоб. Тошкент, “Ўзбекистон”. 1994 йил.

ташкilotлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чоратadbирлар тўғрисида"ги¹ қарорлари ҳам мисол бўла олади.

Бугунги кунда миллий пул тизимимиз барқарорлигини таъминлашнинг асосий хусусияти аввало пул муомаласининг ҳуқуқий жиҳатдан тўла тартибга солинишидир. Мазкур омил иқтисодий ислохотларни амалга ошириш бўйича сиёсатни тўғри йўлга қўйиш билан бевосита боғлиқ. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози кўпгина давлатлар иқтисодиётига зарар етказган ҳолда уларнинг иқтисодий тизимидаги кўплаб камчиликларни кўрсатиб берди. Шу сабабли ҳам пул бирлигимизни қадрини таъминлашимиз даркор. Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек "... миллий валютамининг жорий операциялар бўйича эркин алмашувини, яъни конвертациясини таъминлаш учун барча зарурий шарт-шароитларни яратиш²" алоҳида аҳамиятга эга.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг ўз тараққиёт йўлини танлаб, ундан барқарор бориш йўлида ўзига хос иқтисодий ислохотларни амалга ошириб келмоқда. Ҳозирда ҳеч бир давлат бошқа давлатлар билан ҳамкорликни ўрнатмай, якка ҳолда ривожланиши қийин эканлиги боис ҳукуватимиз томонидан иқтисодий алоқаларнинг ривожига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Бундай алоқалар бўйича ҳисоб-китобларни амалга оширишда эса мамлакатнинг пул муомаласини тартибга солиш борасидаги сиёсати ўзига хос аҳамият касб этади.

Ўз навбатида, ички иқтисодий барқарорликка эришмасдан, иқтисодий тузилмалар фаолиятини мустаҳкамламасдан туриб, иқтисодиётни либераллаштирилиш мамлакат иқтисодиётига катта зарар етказиши мумкин. Шу боис ҳам иқтисодиётнинг ички ва ташқи либераллашуви бир маромда амалга оширилиши лозим. Бизнингча, ҳар бир давлатнинг пул муомаласини

¹ Олий Мажлис Ахборотномаси, 1999 й., 7-сон, 168-модда

² Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Т.: «Ўзбекистон», 2000, Б. 18.

хуқуқий тартибга солиш борасидаги сиёсати ҳам айнан шу тамойиллар асосида белгиланиши лозим.

2.2. Айрим ривожланган давлатларда пул муомаласини хуқуқий тартибга солиш тажрибаси

Америка континентида пул муомаласи XVIII асрларда асосан хорижий валюталарда, яъни Англия фунт стерлинги ва Испания кумуш доллари билан амалга оширилган.

АҚШ доллари Конгресс қарори билан 1785 йилда миллий валюта сифатида эълон қилинган. 1792 йилда биметаллизм тизими жорий этилиб, доллар олтин ва кумушдан зарб этилган. Банкнотлар хусусий банклар томонидан муомалага киритилган. 1859 йилда АҚШда 1000 дан ортиқ хусусий банкларнинг 5400 турдаги банкнотлари тўлов воситаси вазифасини бажарган¹.

АҚШда XVIII – XIX асрларда пул эмиссиясини марказлаштириш ва тартибга солишга икки марта (1791 ва 1816 йй.) уриниб кўрилди, бироқ ушбу ҳаракатлар муваффақиятсизликка учради. АҚШда 1863 йилда миллий (давлат) банклари ташкил этилиб, уларга эмиссия ҳуқуқи берилди. Штат банклари 10 фоизлик солиққа тортиш эвазига эмиссия қилиш ҳуқуқидан босқичма – босқич бекор қилинди. Шу билан бирга, 1873 йилдан бошлаб кумушни эркин зарб этиш бекор қилинди.²

1900 йилда расмий равишда олтин стандарти жорий этилиб, долларнинг олтин қиймати 1,504632 гр этиб белгиланди.

Федерал ҳукумат қонунчилигига асосан 1913 йилда АҚШ Федерал захира тизими ташкил этилди. Унинг аъзолари ўз капиталининг 6 фоизини пай сифатида Федерал захира тизимига ўтказишлари, шунингдек, муддатли депозитларининг умумий суммасини 3 фоизи, талаб қилиб олингунча

¹ e1.tfi.uz/pdf/pkb

² Деньги, кредит, банки: учебник/кол. авт.: под ред. засл. деят. науки РФ, д.э.н. проф. О.И.Лаврушина. – 5 – е изд., стер. – М.: КНОРУС, 2007. – С. 57.

сақланадиган депозитларнинг 7 фоиздан 13 фоизгачасини захира сифатида ушлаб туришлари белгилаб қўйилди¹.

Федерал захира тизими мамлакат Марказий банки сифатида муомалага банкнотларни чиқариш бўйича монопол ҳуқуққа эга бўлди, дастлаб унинг банкнотлари тижорат ва банк векселлари билан, 1917 йилдан бошлаб олтин билан таъминланиши белгилаб қўйилди. Натижада 1920 йилга келиб, унинг муомалага чиқарган билетлари мамлакатдаги мавжуд пул билетлари ҳажмидан бир неча баробар ортиб кетди.

Федерал захира тизими томонидан қилинган эмиссия ҳажмининг ортиб кетиши натижасида 1932 йилда қабул қилинган Бласс – Стигалла қонунига асосан давлатнинг қимматли қоғозлари банкнотларнинг таъминоти сифатида қабул қилинди.

АҚШ Ғарбий Европа мамлакатларидан фарқли ўлароқ, биринчи жаҳон уруши даврида банкнотларни олтинга алмаштириш тартибини бекор қилмади, лекин муомалада олтин тангалар миқдори кескин камайиб кетди.

АҚШда юз берган 1929 – 1933 йилдаги Буюк инқирозга қадар муомаладаги олтин тангалар хусусий шахслар ва банклар томонидан олиб қўйила бошлади. 1929 – 1933 йилдаги Буюк инқироз 1933 йил апрелда АҚШда олтин стандартини бекор қилишга мажбур этди.

1934 йил 31 январдаги қонунга кўра долларнинг 40,8 фоизи олтин билан таъминланиши белгиланиб қўйилди, шунингдек, бир долларнинг олтиндаги қиймати 1,50463 граммдан 0,888671 граммга туширилди, АҚШ ғазнаси бир унция олтинни сотиб олиш баҳосини 20,67 доллардан 35 долларгача кўтарди. АҚШнинг юридик ва жисмоний шахсларга олтинни танга шаклида сақлашни таъқиқлаб қўйилди.

1934 йилда Федерал захира тизими таъсарруфидаги олтин захираси бир унцияси 26,67 доллар баҳосида давлат ғазнасига топширилди. Федерал захира тизими унинг ўрнига федерал ғазнаси томонидан банкнотларни

¹ el.tfi.uz/pdf/pkb

таъминланганлигига хизмат қилувчи олтин сертификатларни олди. АҚШ ҳукумати 2,8 млрд доллар олтин захираси ҳисобидан 2 млрдга тенг бўлган барқарорлаштирувчи валюта фондини ташкил этди.

1960 йилларнинг охири 1970 йилларнинг бошида АҚШнинг валюта позицияси сезиларли даражада ёмонлашди. Мамлакат олтин захираси икки мартадан зиёдроққа камайди. 1949 йилда 24,6 млрд доллар 1987 йил сентябрда 11,1 млрд долларни ташкил этди.

1960 йилларда мамлакат олтин захираси муомаладаги жами банкнотларнинг 25 фоизи атрофида ташкил этди, бунинг натижасида долларнинг олтин билан таъминланиши бекор қилинди.

1971 йилда олтиннинг бир унцияси 38 долларни, 1973 йил февралда 42,22 долларни ташкил этди. 1975 йилда АҚШ ўз фуқароларига олтин танга ва слиткаларни сотиб олишга рухсат берди, 1970 йилда олтиннинг баҳосини пасайтириш мақсадида олтин аукционни ўтказилди. Натижада, Ямайка келишувига асосан олтиннинг расмий баҳоси бекор қилинди ва уни валюта паритети сифатида фойдаланишни таъқиқлади. Долларнинг курси талаб ва таклиф асосида ўрнатиладиган бўлди, бунинг натижасида олтиннинг бозор баҳоси бирдан ошиб кетди.

АҚШнинг замонавий пул муомаласи жуда ривожланган бўлиб, АҚШ давлат ғазнаси, Федерал захира тизими ва айрим штат банклари пулларни муомалага эмиссия қилиш билан шуғулланади. Давлат ғазначилиги майда банкноталарни (1 – 10 долларлик қийматдан), кумуш доллар ва тангаларни муомалага чиқарди¹.

Муомаладаги асосий пулларнинг улуши Федерал захира тизими томонидан чиқарилган бўлиб, кредит тизимини такомиллашуви баробарида нақд пул билан ҳисоб – китоб тизими қисқариб бормоқда.

Бизга маълумки, пул массаси даражасини ҳисоблашнинг асосий тамойилларидан бири маблағларни ликвидлилик даражаси ҳисобланади.

¹ e1.tfi.uz/pdf/pkb

Муомаладаги пулнинг турлари пул агрегатлари билан гуруҳларга ажратилади. Унга кўра муомаладаги маблағлар ликвидлик бўйича таснифланади, яъни дастлаб юқори ликвидли маблағлар паст ликвидлигига қараб M_1 , M_2 , M_3 , M_n ёки L агрегатларга ажратилади. Пул агрегатлари таркиби ва сони турли мамлакатларда турличадир.

Хусусан, АҚШда нақд ва нақд пулсиз ҳисоб – китобларни амалга оширадиган пуллар ликвидлик даражасига қараб қуйидаги пул агрегатлари билан белгиланади:

M_1 = нақд пуллар (банкнотлар ва тангалар), талаб қилиб олгунча сақланадиган депозитлар, пул чеклари, бошқа чек депозитлари;

M_2 = M_1 + чек бўлмаган жамғарма депозитлар, муддатли жамғармалар (100 минг долларгача);

M_3 = M_2 + 100 доллардан юқори муддатли жамғармалар, жамғарма сертификатлар ва бошқалар;

L = M_3 + хазина жамғарма облигациялари, давлатнинг қисқа муддатли мажбуриятлари, тижорат қимматли қоғозлар ва бошқалар.

Марказлашган мамлакат вужудга келгунга қадар Британия оролларида IX – X асрларда фунт стерлинг айирбошлаш воситаси сифатида фойдаланиб келинган. Фунт стерлингни дастлабки номи унинг оғирлиги таркибидан пайдо бўлган¹.

Бир фунт кумушдан 240 пенс зарб қилинган. Улар “стерлик” деб номланган. XIV асрнинг ўрталарида муомалада олтин тангалар пайдо бўлди, мамлакатда бир неча аср давомида биметаллизм ҳукм сурган. Англия бошқа мамлакатларга қараганда анча илгари олтин стандартига ўтди. Англияда олтин стандарти амалда XVIII асрнинг охири, ҳуқуқий жиҳатдан 1866 йилдан бошлаб жорий этилди.

¹ Деньги, кредит, банки: учебник/кол. авт.: под ред. засл. деят. науки РФ, д.э.н. проф. О.И.Лаврушина. – 5 – е изд., стер. – М.: КНОРУС, 2007. – С. 57.

Биринчи жаҳон урушига қадар Англияда пул муомаласи Роберт Пиля конуни асосида тартибга солинди, унга кўра барча банкнотлар 100 фоиз олтин билан таъминланиши шарт эди.¹

Биринчи жаҳон уруши мамлакат пул муомаласини кескин издан чиқарди. 1914 йилда банкнотларни олтинга алмаштириш жараёни бекор қилингандан сўнг, ҳукумат ҳарбий харажатларни қоплаш учун жуда катта миқдорда эмиссияни амалга оширди. Муомаладаги пул массаси 1913 – 1918 йилларда 35 млн фунт стерлингдан 399 млнга, 1920 йилда эса 555 млн фунт стерлингга чикди.

Ҳукумат пул муомаласини барқарорлигини таъминлаш мақсадида “қиммат пуллар” сиёсатини қўллаб 1920 йилда дефляцияни амалга оширди. Бу мамлакатдаги молиявий олигархларнинг манфаатига мос тушди, улар хорижий мамлакатларга жуда катта миқдорда капитал қуйилмаларини амалга оширган бўлиб, фунт стерлингнинг сотиб олиш қобилиятини юқориликдан манфаатдор эдилар.

Англияда 1925 – 1928 йилларда пул ислоҳати ўтказилди. Ислоҳатлар 1925 йил апрелда бошланиб, унинг натижасида урушдан олдинги каби, Англия банкнотларини олтинга алмаштириш тикланди.

Англия Банки фунт стерлингнинг курсини барқарорлигини таъминлаш мақсадида ҳисоб ставкасининг даражасини оширди, бу саноат корхоналарининг “арзон пуллар”га эҳтиёжини чеклашга олиб келди.

1929 – 1933 йилларда рўй берган жаҳон иқтисодий инқрози Англиянинг ташқи бозорларидаги позициясини анча пасайтирди, мамлакатдан жуда катта хажмда капиталлар чиқиб кета бошлади. 1931 йил 21 сентябрда фунт стерлингни олтинга айрибошланиши бекор қилинди ва девальвация қилинди.

Англия Банки тасарруфидаги олтин захиралари 1932 йилда давлат ғазначилик қошида ташкил этилган Валютани барқарорлаштириш фонди

¹ www.superjava.lark.ru/

тасарруфига ўтди. Англия ташқи бозорларидаги фунт стерлингнинг курсини тушириш орқали Япония ва АҚШ мамлакатлари билан фаол “валюта уруши”га кириб борди. Натижада ушбу “валюта уруши” мамлакат миллий иқтисодиёти ва пул муомаласига салбий таъсир кўрсатди.

1939 йилдан 1945 йилгача муомаладаги пул массасининг ҳажми 2,5 мартага ошди, товар ва хизматлар баҳоси 75 фоизга кўтарилди. Шунга қарамадан, Англияда инфляция даражаси бошқа мамлакатларга нисбатан, АҚШдан ташқари, анчагина паст эди.

Бунинг қуйидаги 3 та сабаби мавжуд эди. Биринчидан, Англияда ҳарбий харажатларни қоплаш учун солиқнинг улуши жуда юқори эди; иккинчидан, Англиянинг ташқи молиявий манбаларининг мавжудлиги асосан Англия калониясида бўлган давлатлар ҳисобидан. Учинчидан, баҳолар устидан давлат назоратининг юқорилиги. Хусусан, хомашё, ёқилғи ва озиқ – овқат маҳсулотлари баҳоси давлат томонидан назорат остига олинган эди.

Фунт стерлингнинг иккинчи жаҳон урушидан кейинги 30,5 фоизга девальвацияси 1949 йил сентябр ойида амалга оширилди, фунт стерлингнинг олтин билан таъминланиш даражаси 3,58 граммдан 2,8 грамм тоза олтинга тенглаштирилди, бир фунт стерлинг 4,03 доллардан 2,80 долларга арзонлаштирилди. Фунт стерлингнинг халқаро миқёсдаги мавқиени тиклаш учун амалга оширилган ушбу чора – тадбирлар тегишли натижани бермади, фунт стерлингнинг жорий операциялар бўйича долларга нисбатан обрўйи пасайди. Мамлакат олтин захиралари ҳажми бирдан камайиб кетди, ташқи савдо баланси тақчиллиги ортди, фунт стерлингга бўлган ишончга дарз кетди ва 1947 – 1948 йилларда инфляция даражаси ортиб кетди¹.

Англия фунт стерлингини девальвация қилиниши унинг сотиб олиш қобилиятига мўлжалланган даражада ижобий таъсир кўрсатмади. Натижада,

¹ www.superjava.lark.ru/

1952, 1955, 1958, 1960 – 1961, 1964 – 1965 йилларда мамлакатда валюта инқирозлари рўй берди.

1967 йилда фунт стерлинг 14,3 фоизга девальвация қилинди, унинг олтин билан таъминланиши даражаси 2,13г пасайтирилди, долларнинг курси 2,40 долларни ташкил этди.

1972 йилда Англияда рўй берган қисқа муддатли иқтисодий кўтарилиш ташқи савдода йирик тақчилликни вужудга келишига, мамлакатда хорижий капитални чиқиб кетишига ва фунт стерлингни кучли инқирозга учрашига сабаб бўлди.

Англия фунт стерлингини барқарорлигини таъминлаш мақсадида икки hafta ичида 5 млрд доллар сарфланди, Англия ҳукумати 1972 йил 23 июндан бошлаб ўз валютасига нисбатан сузиб юривчи курсни ўрнатди. Йил охирига келиб фунт стерлингнинг курси 1971 йил декабрига нисбатан 10 фоиз, 1973 йил охирига 17 фоиз, 1974 йилда 18 фоиз, 1975 йилда 27 фоиз, 1976 йилда 40 фоизга пасайди.

Англияда XVIII асрда юз берган саноат революцияси мамлакатни дунёдаги йирик жаҳон савдо марказига айлантирди, фунт стерлинг халқаро валюта сифатида тан олинди. Биринчи жаҳон уруши олдидан дунё савдо айланмасининг 80 фоиз фунт стерлингга амалга оширилди эди, кейинчалик мамлакат иқтисодиётининг заифлашуви натижасида унинг халқаро валюта ва кредит муносабатлари бўйича мавқиени кескин пасайтириб юборди.

Англиянинг иқтисодий сиқуви остида хорижий валюта ва олтин “пул”да иштирок этишига розилик берди, янги шаклдаги стерлинг блоки “стерлинг ҳудуди” тарзида юритила бошланди.

1960 йиллардан бошлаб стерлинг ҳудуди иқтисодий жиҳатдан инқирозга юз тутди, бунинг асосий сабабларидан бири улар томонидан ишлаб чиқилган тамойиллар амалиётда ўзининг ифодасини топмади.

Хозирги кунда фунт стерлинг халқаро захира мавқиени деярли тугатди, унинг халқаро савдо айланмасидаги улуши тахминан 5 – 6 %ни ташкил этади. Бу кўрсаткич Буюк Британиянинг халқаро дунёдаги мавқиедан

далолат беради. 60 – 70 йилларда Британия ҳукумати халқаро марказий банклардан захиралари таркибидан фунт стерлингнинг улушини камайтиришни сўраб мурожаат қилган бўлса, 1986 йилларга келиб бундай мурожаатга умуман эҳтиёж қолмади.

Биз юқорида бугунги кунда дунёда пул бирлиги жуда мустаҳкамлиги билан ном қозонган икки давлатнинг АҚШ ҳамда Буюк Британияда пул муомаласининг қай тарзда ташкил этилиш тажрибаси билан танишиб чиқдик. Биз тажрибасини ўрганганимиз бу икки давлатда амалда бўлган пул муомаласини тартибга солишга қаратилган тизим кўп йиллик тадрижий ривожланишга эга. Мустақил давлатчилигимизга эга бўлган қисқа даврда барча соҳаларда бўлгани каби пул муомаласини тартибга солишга қаратилган ислохотларимиз самараси ўлароқ, бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиёти жадал суръатлар билан тобора ривожланиб бормоқда. Бунга сабаб эса иқтисодиётимизнинг асосий таянчларидан ҳисобланмиш пул муомаласининг тўғри йўлга қўйилганида деб ҳисоблаймиз.

2.3. Ўзбекистон Республикасида пул муомаласини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш масалалари

Мустақиллик йиллари мобайнида пул муомаласини ҳуқуқий тартибга солишни тизимини изчил ва аниқ мақсад йўлида ислох қилиш натижасида мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга, аҳолининг турмуш фаровонлиги даражасини оширишга, иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш кўламларини кенгайтиришга ҳамда кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини яхшилашга имконият яратилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳажмлари ошиб бормоқда, аҳолига, шу жумладан ёш оилаларга ипотека ва истеъмол кредитлари бериш миқёслари тобора кенгаймоқда.

Ҳозирги вақтда тижорат банклари активлари ва жами капиталининг ҳажмлари 2000 йилга нисбатан тегишли равишда 7,6 ва 7,4 баравар кўпайди. Аҳолининг омонат қўйилмалари ҳажми 38 баравар, банк кассаларига нақд

пул маблағларининг тушумлари - 8,1 баравар, иқтисодиётнинг реал секторига кредит қўйилмалари - 5 баравар кўпайди¹.

Шу билан бирга, пул муомаласини тартибга солишда ўрни бекиёс бўлган тижорат банклари ҳамон самарали инвестиция марказларига айлангани йўқ, корхоналарни модернизация қилиш ва технологик қайта жиҳозлашда ўз капитали билан суст катнашмоқда. Банкларнинг капиталлашув даражасини кескин ошириш, банк тизими барқарорлиги, ишончли пул муомаласи, банклар томонидан нақд маблағлар тўсиқсиз ва тўлиқ берилиши кафолатларини яратиш вазифалари долзарблигича қолмоқда.

“Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорида таъкидланишича 2007 йил 7 ноябр ҳолатига “Марказий банк ва тижорат банклари, солиқ органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари томонидан банкдан ташқари айланмани қисқартириш ҳамда нақд пулларни банк кассаларига жалб этиш борасида амалга оширилаётган ишлар етарли даражада эмас” эди аммо бугунги кунга келиб, мазкур органлар томонидан пул муомаласини ҳуқуқий тартибга солишда амалга оширилган ислоҳатларни амалиётга тадбиқ этишлари натижасида пул муомаласи иштирокчиларининг олдида турган муаммолари ечилди десак адашмаган бўламиз.

Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш, тижорат банкларининг рақобатдошлиги, молиявий барқарорлиги ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш, банкдан ташқари айланмани камайтириш, жумладан озиқ-овқат (деҳқон) бозорларидаги нақд пулларни банк

¹ “Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 07.11.2007 й. N ПҚ-726. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 45-сон, 454-модда

айланмасига жалб этиш ҳамда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар кўламини кенгайтириш мақсадида юқоридаги қарорда қуйдагилар белгиланган:

2007-2010 йилларда Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва ривожлантириш дастури;

бўш пул маблағларини банк айланмасига янада жалб қилиш ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажмининг ўсишини таъминлаш бўйича чоратадбирлар комплекси маъқулланган.

озик-овқат (деҳқон) бозорларида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари ва жисмоний шахсларнинг пул маблағларини жамғарма ҳамда муддатли депозитларга, шу жумладан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишдан тушадиган бўш пул маблағларни омонатчиларга маблағ сақланадиган ҳар бир куни учун фоизли даромад кўшган ҳолда вақтинча сақлашга жалб этиш;

деҳқон хўжаликлари, савдо-харид фирмалари ва бошқа кичик бизнес ҳамда тадбиркорлик субъектларига кредитлар бериш ва микромолия, шунингдек озиқ-овқат (деҳқон) бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш, сақлаш ва сотиш билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурталаш бўйича хизмат кўрсатиш¹.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, Президентимиз томонидан мазкур Қарорнинг қабул қилиниши ва унда таъкидланган қоидаларнинг жорий этилиши мамлакатда пул муомаласини ҳуқуқий тартибга солиш жараёнини янада такоминлаштирди.

Пул муомаласи энг аввало мажбуриятларнинг тامينланиш усули ва воситаси булиб “Пул мажбуриятида у сўмлар билан чет эл валютасидаги муайян суммага эквивалент бўлган суммада ёки шартли пул бирликлари билан (экю, "махсус қарз олиш ҳуқуқлари" ва бошқалар) тўланиши лозимлиги назарда тутилиши мумкин. Бундай ҳолларда сўмлар билан

¹ “Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чоратадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 07.11.2007 й. N ПҚ-726. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 45-сон, 454-модда

тўланиши лозим бўлган сумма тегишли валютанинг ёки шартли пул бирликларининг тўлов кундаги расмий курси бўйича белгиланади, башарти уни белгилашнинг бошқача курси ёки бошқа санаси қонун ҳужжатларида ёки тарафларнинг келишувида белгилаб қўйилган бўлмаса.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мажбуриятлар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш чоғида чет эл валютасидан, шунингдек чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатларидан фойдаланишга қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар, тартиб ва шартлар асосида йўл қўйилади”¹.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 245-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ пул мажбуриятида у сўмлар билан чет эл валютасидаги муайян суммага эквивалент бўлган суммада ёки шартли пул бирликлари билан (эю, "махсус қарз олиш ҳуқуқлари" ва бошқалар) тўланиши лозимлиги назарда тутилиши мумкин. “Хорижий валюта” тушунчасига Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасининг иккинчи қисмида таъриф берилган бўлиб, унга кўра “Чет эл валютаси муомалада бўлган ҳамда хорижий давлатда қонуний тўлов воситаси ҳисобланган банкнотлар, хазина билетлари ва тангалар кўринишидаги чет эл пул белгилари, муомаладан чиқарилган ёки чиқарилаётган ҳамда худди шу хорижий давлатнинг пул белгиларига алмаштирилиши лозим бўлган чет эл пул белгилари, шунингдек ҳисобварақларда ва омонатларда бўлган хорижий давлатларнинг пул бирликларидаги ҳамда халқаро пул ёки ҳисоб-китоб бирликларидаги маблағлардир”².

Шартли пул бирлигига мисол тариқасида қонун чиқарувчи эю билан махсус қарз олиш ҳуқуқларини санаб ўтган. Европа иқтисодий валюта иттифоқига аъзо мамлакатларда 2002 йилининг 1 январидан Эю ягона валюта - еврога алмаштирилган. Евро нақд пул муомаласида ҳам, нақдсиз

¹ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. (Биринчи қисм). Олий Мажлис Ахборотномаси, 1996 й., 2-сонга илова-сон, 1-модда

² Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 й., 1-2-сон, 6-модда;

ҳисоб-китобларда ҳам қўлланилади. Махсус қарз олиш ҳуқуқлари (МҚҲ) (ингл. Special drawing rights - SDR) сунъий заҳира ва тўлов воситаси бўлиб, Халқаро валюта фонди томонидан муомалага чиқарилади. Фақат банк ҳисобварақларидаги ёзувлар тариқасидаги нақд пулсиз шаклда бўлиб, қоғоз пулллар чиқарилмайди. МҚҲ бирлигининг қийматини ҳисоблаб чиқаришда асосий валюталарнинг (АҚШ доллари, евро, япон йенаси ва инглиз фунт стерлинги) муайян мутаносибликда олинган стандарт жамланмаси қўлланилади ва шу асосда МҚҲнинг бошқа валюталарга курси белгиланади.

Башарти шартномада пул мажбурияти хорижий валютада ифодаланиши ва тўланиши кўзда тутилган бўлса, аммо валюта қонунчилиги қоидаларига кўра бу мажбуриятни хорижий валютада бажариш имкони бўлмаса, агар шартнома моҳиятидан бошқа маъно чиқмайдиган бўлса¹, шартноманинг бундай шартини ҳам Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 245-моддасининг биринчи қисмида кўзда тутилганидек кўриб чиқилиши даркор. Бу ҳолда тўлов сўмда амалга оширилади, бунинг учун сўмда тўланиши лозим бўлган сумма тегишли валютанинг тўлов кунидаги расмий курси бўйича (агар қонун ҳужжатларида ёки тарафларнинг келишувига мувофиқ бошқача курс ёхуд аниқлашнинг бошқа санаси белгилаб қўйилган бўлмаса) аниқланади. Юқорида айтиб ўтилган қоидаларнинг амалда қўлланилишига мисол қилиб фуқаролар томонидан мобил (уяли) алоқа операторлари билан тузиладиган битимларни кўрсатиш мумкин, бунда мазкур шартномалар тариф режасидаги нархлар АҚШ долларида кўрсатилади, тўлов эса Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича сўмда амалга оширилади.

Хорижий валютада ифодаланган пул мажбурияти суммасига ҳисобланган қонуний ёки шартномавий фоизларга келганда эса, улар суммага хорижий валютада ёки шартли пул бирлигида ҳисоблаб ёзилади ва ана шу валютада (бирликда) ифодаланади ҳамда ЎзР ФКнинг 245-моддаси

¹ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. (Биринчи қисм). Олий Мажлис Ахборотномаси, 1996 й., 2-сонга илова-сон, 1-модда

биринчи қисмидаги қоидалари асосида ундириб олинади. Ўхшаш пул мажбуриятлари бўйича неустойка ундириб олишда ҳам худди шу қоидалардан фойдаланилади.

Мазкур қоиданинг қўлланилаши мамлакатда пул муомаласининг тартибга солинишини таъминлайди. Хусусан, Фуқоролик кодексида валютанинг сўмга нисбатан қўлланиши ва икки пул бирлигининг муомалада бўлишининг тартибга солинганлиги ушбу муносабат иштирокчиларининг фаолиятини самарадорлигини оширмоқда¹. Хусусан, пул муомаласини самарадорлигини оширишда судларнинг ўрни катта, сабаби бугунги кунда биргина хўжалик судлари тизимида пул муомаласига оид низоларнинг кўрилиш сони охиригича икки йил ичида кескин кўпаймоқда, натижада хўжалик судлари тизимида пул муомаласини ҳуқуқий тартибга солиш йўлида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Биргина Олий Хўжалик суди томонидан бир қатор Пленум Қарорларининг қабул қилиниши пул муомаласини ҳуқуқий тартибга солишни такоминлашувига олиб келмоқда. Аммо афсуски, шу кунга қадар Олий Хўжалик суди томонидан пул муомаласини айнан тартибга солиш бўйича Пленум Қарори қабул қилинмаган. Агарда Олий суд ва Олий Хўжалик судлари томонидан “Пул муомаласини тартибга солиш муносабатлари бўйича низоларни кўришда қонунларни қўллашни айрим масалалари тўғрисида” Қўшма Пленум қарори қабул қилинса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бугунги кунда давлатимизда тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш ва уларга кенг имкониятлар яратиш бўйича кўплаб ислохотларни амалга оширмоқда. Аммо, тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан мазкур ишончли суистемол қилиш ҳолатларини бартараф этиш мақсадида Давлат назорат қилувчи органлари томонидан уларнинг фаолиятида қонунларга риоя этилиши назорат қилинади. Хусусан, Давлат солиқ қўмитаси Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат

¹ oxs.uz Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди расмий сайти

килиш бош бошқармаси вилоят, шаҳар бўлимлари томонидан буйруқ асосида тадбиркорларнинг фаолият юритаётган объектида назорат-касса машиналари, ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланиш ҳамда нақд пул муомаласини тартибга солиш қоидаларига риоя этилиши юзасидан режали ва режадан ташқари қисқа муддатли солиқ текшируви ўтказилиши мамлакатда пул муомаласини тартибга солинишини такомиллаштириш учун хизмат қилади. Аммо Давлат солиқ хизмати органлари томонидан назорат фаолиятига оид норматив ҳужжатлар ва пул муомаласини тартибга солувчи норматив ҳужжатларга амал қилинса давлатимизни мазкур соҳада ривожига сабаб бўлади, шунингдек халқнинг турмуш фаровонлиги ошади.

Ўзбекистон Республикасида пул муомаласини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришда, нақд пул муомаласини тартибга солиш ва пулларнинг асоссиз равишда кўпайиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида ва пул муомаласини ҳуқуқий тартибга солиш бўйича мамлакатимизда норматив ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, улар жумласига “Банк кассаларига топширилаётган нақд пул тушумининг барқарор ўсишини ва уларнинг узлуксиз берилишини таъминланиши бўйича мансабдор шахсларни рағбатлантирилиши ва уларнинг масъулиятини ошириш тартиби тўғрисида Низом”¹, “Банк тизимини ислоҳ қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасини Қарори², “Муомаладаги нақд пулларни камайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасини Қарори³, Банклараро чакана тўлов тизимида мижозларга хизмат кўрсатишда “Сўм” пластик карточкалар орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишда банк ва нобанк кредит ташкилотлари томонидан амал қилиниши лозим бўлган тарифлар Режаси, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2007 йил 7 ноябрдаги

¹ АВ томонидан 16.04.2008 й. 1792-сон билан рўйхатга олинган 24.03.2008 й. Марказий банк Бошқарувининг 296-В-сон, Давлат солиқ кўмитасининг 2008-21-сон Қарори билан тасдиқланган

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 24.03.2000 й. 104-сонли Карори.

³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.07.1994 й. 356-сон Карори

ПК-726-сон қарорига ўзгартиш киритиш тўғрисида”ги Қарори¹, “Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори², “Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори³ ва бошқалар.

“Муомаладаги нақд пулларни камайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасини Қароридан белгилаб қўйилганидек, мулкчилик шаклларида қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ҳисоб-китоблар банк муассасалари орқали нақд пулсиз амалга оширилади. Мазкур, нормани белгиланиши давлатимизда пул муомаласини тартибга солиниши йўлида катта улуш қўшди.

“Банк кассаларига топшириладиган нақд пул тушумининг барқарор ўсишини ва уларнинг узлуксиз берилишини таъминланиши бўйича мансабдор шахсларни рағбатлантирилиши ва уларнинг масъулиятини ошириш тартиби тўғрисида Низом”⁴ мамлакатимизда пул муомаласини тартибга солишда муҳим аҳамияга эга бўлиб, Мазкур Низом банк кассаларига тушаётган нақд пул тушумининг барқарор ошиши ва уни аҳоли ҳамда хўжалик юритувчи субъектларининг депозит ҳисобварақларидан узлуксиз берилишини таъминлаганлик учун давлат солиқ хизмати, банклар ва инкассация хизматининг мансабдор шахсларини рағбатлантириш ва уларнинг масъулиятини ошириш тартибини белгилаб, банк кассаларига тушаётган нақд пул тушумининг барқарор ўсишини таъминлаганлик учун рағбатлантириш тизими белгиланиб, улар қуйидагилар учун белгиланади.

Юқоридагилардан хулоса қилиб таъкидлаш мумкинки, пул муомаласини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш мақсадида

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.08.2010 й. ПК-1397-сон

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.11.2007 й. ПК-726-сон

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.08.2006 й. ПК-433-сон

⁴ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 16 апрелда 1792-сон билан рўйхатга олинган Марказий банк Бошқаруви ва Давлат солиқ қўмитасининг 2008 йил 24 мартдаги 296-В, 2008-21-сон қарорига ИЛОВА

бугунги кунда амалда булган бир қанча норматив ҳужжатларга ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш лозим.

1) “Ўзбекистон Республикаси бозорларида савдо фаолиятини ташкил этиш Қоидалари”¹ ни 68 ва 69 бандларини қуйидаги тахрирдаги қоидалар билан тўлдиришни таклиф этамиз.

68. “... фискал хотирали назорат-касса машиналарини ва тўловларни банк пластик карточкаларидан қабул қилиш бўйича тўлов терминалларининг кўлланиш, шунингдек нақд тушумни банклар кассаларига топшириш тартиби ва бошқа пул муомаласини тартибга солувчи қонун ва қонун ости ҳужжатларда белгиланган тартибларни мунтазам равишда бузилганда.

Ушбу норманинг 69 бандида “Кўрсатилган қонун бузилишлари аниқланганда назорат органлари ўз ваколатлари доирасида бозор фаолиятини ўн иш кунидан ортиқ муддатга тўхтатиб туриши ҳақида судга мурожаат қилади” деган қоида мавжуд.

Бизга маълумки, пул муомаласи субъект ва объектлари фаолияти кўп ҳолларда бозорларда амалга оширилади ва ушбу фаолиятнинг тўхтатилиши нафақат давлат балки шахсларга ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу сабабдан қоидани 69-бандида кўрсатилган бозор фаолиятини тўхтатиш муддатини камайтириш ва ушбу ваколатни фақатгина хўжалик судларига берилиши лозим.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Пул муомаласини тартибга солишнинг айрим чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори 1993 йил 11 декабрда қабул қилинган бўлиб, мазкур қарорга кўра пул муомаласини янада тартибга солиш ва “Сўм-Купон” курсини мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан қуйидагиларга қарор қилинган:

1993 йил 16 декабрдан бошлаб нон, ун, гўшт, сут, гуруч, қанд-шакар, чой, ўсимлик мойи, шунингдек бошқа барча озиқ-овқат товарлари фақат

¹ Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сон қарори. ЎР ҚХТ, 2012 й., 35-сон, 403-модда

"Сўм-Купонлар"га сотилишига; Россия Банкнинг 1993 йил намунасидаги барча қийматдаги пуллари 1993 йил 16 декабрдан бошлаб озиқ-овқат товарларини сотишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қабул қилинмаслиги ҳамда айни пайтда мазкур пуллардан тўловларнинг қолган барча турлари учун, шу жумладан, ноозиқ-овқат товарлари ва хизматлар учун ҳақ тўлашда "Сўм-Купонлар" билан бир қаторда тўлов воситаси сифатида чеклашларсиз фойдаланиш сақлаб қолинишига; 1994 йилнинг 1 январигача ноозиқ-овқат товарларини сотишда ва хизматлар кўрсатишда аҳолидан "Сўм-Купонлар" билан бир қаторда, СССР Давлат банкнинг 1961-1992 йиллар намунасидаги қиймати 1, 3, 5, 10 ва 25 рубл бўлган пуллари қабул қилинишига; Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1993 йил намунасидаги Россия рубллари "Сўм-Купонлар"га 1:1 нисбатида, шунингдек алмаштириш фонди (уларни харид қилиш ҳажми) доирасида "Сўм-Купонлар"ни Россия рублларига алмаштирадиган махсус пунктлар тармоғини кенгайтирилишига.

Бизга маълумки, 1994 йилдан бошлаб мамлакатимиз пул бирлиги сифатида "СЎМ" амалда бўлиб, "Сўм-Купонлар" мавжуд эмас. Шу сабабдан юқоридаги қарор янги таҳрирда қабул қилиниши ёки бекор қилиниши зарур.

Мамлакатимиз миллий қонунчилигидаги пул муомаласини тартибга солишга қаратилган яна бир норматив-ҳужжат "Банк кассаларига топширилаётган нақд пул тушумининг барқарор ўсишини ва уларнинг узлуксиз берилишини таъминланиши бўйича мансабдор шахсларни рағбатлантирилиши ва уларнинг масъулиятини ошириш тартиби тўғрисида Низом"¹ бўлиб, ушбу ҳужжатда ҳам баъзи бир таҳрирга муҳтож бандлари мавжуд. Хусусан, ушбу Низомнинг 8 ва 9 бандларини қуйидаги таҳрирда баён этишни таклиф этамиз.

¹ Банк кассаларига топширилаётган нақд пул тушумининг барқарор ўсишини ва уларнинг узлуксиз берилишини таъминланиши бўйича мансабдор шахсларнинг рағбатлантирилиши ва уларнинг масъулиятини ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг қарори 16.04.2008 йилда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 1792, кучга кириш санаси 26.04.2008 ЎР ҚХТ, 2008 й., 16-сон, 122-модда

8. Ушбу Низом талабларининг бажарилишини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Давлат солиқ қўмитаси назорат қилади.

Аниқланган ҳолатлар бўйича тегишли таъсир чораларини қўллайди ёки қонун бузилиш ҳолати бўйича ваколатли органларга тақдимнома киритади.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Давлат солиқ қўмитаси банк кассаларига тушаётган нақд пул тушумларининг барқарор кўпайиб боришини рағбатлантиришга ва *пул муомаласини тартибга солишга* доир чора-тадбирларнинг бажарилиши тўғрисида тегишли ҳудудий (Бош) бошқармаларидан олинган маълумотлар асосида тижорат банклари, солиқ ва инкассация хизматининг шаҳар ва туман бўлимлари бўйича умумлаштиради ва таҳлил қилади.

Хулоса

Мамлакатимизда юритилаётган пул-кредит сиёсати банк тизими олдида кўйилган асосий мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда ҳамда монетар сиёсатнинг ўтган йилларга мўлжалланган асосий йўналишларига мувофиқ амалга оширилиб борилмоқда.

Ўтган йилларда монетар сиёсатни амалга оширишда ташқи омилларнинг ички бозоримиздаги нархлар ўзгаришига кўрсатадиган таъсирини пасайтиришга катта эътибор қаратилди.

Хусусан, ташқи омилларнинг ички бозорга салбий таъсирини олдини олиш ва иқтисодий ўсишни қўллаб-қуватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси¹ ташкил этилди.

Иқтисодиётимизга жаҳон бозорида рангли металллар нархларининг ошишидан келиб тушадиган қўшимча валюта ресурсларининг Жамғарма ҳисобрақамида жамланиши ва ушбу маблағлардан фойдаланишнинг тартибга солиниши ҳам пул-кредит ва валюта сиёсатининг самарадорлигини оширмоқда.

Олтин-валюта захираларининг пул массасига таъсирини пасайтириш ҳамда муомаладаги ортиқча ликвидликни стерилизация қилиш мақсадида Марказий банк томонидан пул бозоридаги ҳолат доимий равишда таҳлил қилиниб, пул-кредит сиёсатининг бозор воситаларидан кенг фойдаланган ҳолда тезкор чора-тадбирлар амалга ошириб борилди.

Жумладан, тижорат банкларининг ортиқча ликвид маблағларини депозитларга жалб қилиш, Марказий банк облигациялари ва Давлат қимматли қоғозлари билан ўтказиладиган операциялар ҳажмини кенгайтириш орқали пул-кредит кўрсаткичларининг мақсадли параметрлар доирасида бўлишига эришилди ва натижада инфляция даражасининг ўсишининг олди олинди.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини ташкил этиш тўғрисида. ПФ-3751-сон. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 19-сон, 161-модда;

Олиб борилган самарали пул-кредит сиёсати натижасида пул муомаласини ҳуқуқий тартибга солиш то бора такоминлашиб бормоқда десак адашмаган бўламиз.

Тадқиқот ишимизнинг ниҳоясида Ўзбекистон Республикасида пул муомаласи тизимини ўрганиш асосида олинган асосий хулоса ва таклифларни қисқача акс эттирамиз.

Ушбу соҳани такомиллаштиришга қаратилган таклифларимиз қуйидагилардан иборат.

Биринчидан, корхоналарнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлашга, инвестиция жараёнларидаги таркибий ўзгартиришлар ва иқтисодиётни модернизация қилишдаги иштирокини янада фаоллаштиришга кўмаклашиш учун имтиёзлар бериш лозим.

Иккинчидан, пул муомаласини тартибга солиш жараёнида содир этилаётган ҳуқуқбузарликларни бартараф қилиш учун ушбу соҳада қабул қилинаётган ҳужжатларни шарҳлашни такомиллаштириш ҳамда малакали етук мутахассислар томонидан юридик ва жисмоний шахсларга тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш орқали мунтазам равишда ахборот етказиб бериш;

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси пул муомаласини тартибга солишга бевосита масъул бўлган давлат солиқ хизмати органлари, банк ходимлари, бозорлар ва савдо комплексларини касбий жиҳатдан юқори малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш, уларнинг масъулияти ва маданиятини ошириш, яъни универсал кадрларни кўпайтириш керак.

Тўртинчидан, “Ўзбекистон Республикаси бозорларида савдо фаолиятини ташкил этиш Қоидалари” нинг 68 ва 69 бандларини қуйидаги таҳрирда баён этишни таклиф этамиз.

68. “... фискал хотирали назорат-касса машиналарини ва тўловларни банк пластик карточкаларидан қабул қилиш бўйича тўлов терминалларининг қўлланиш, шунингдек нақд тушумни банклар кассаларига топшириш тартиби

ва бошқа пул муомаласини тартибга солувчи қонун ва қонун ости хужжатларда белгиланган тартибларни мунтазам равишда бузилганда.

Ушбу норманинг 69 бандида *“Кўрсатилган қонун бузилишлари аниқланганда назорат органлари ўз ваколатлари доирасида бозор фаолиятини ўн иш кунидан ортиқ муддатга тўхтатиб туриши ҳақида судга мурожаат қилади”* деган қоида мавжуд.

Бизга маълумки, пул муомаласи субъект ва объектлари фаолияти кўп ҳолларда бозорларда амалга оширилади ва ушбу фаолиятнинг тўхтатилиши нафақат давлат балки шахсларга ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу сабабдан қоида 69-бандида кўрсатилган бозор фаолиятини тўхтатиш муддатини камайтириш ва ушбу ваколатни фақатгина хўжалик судларига берилиши лозим.

Бешинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3 августдаги ПҚ-433-сонли "Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорида банк ва тегишли вазирликларни маъсулияти белгиланган бўлиб, давлат солиқ органларини маъсулияти белгиланмаган. Бизнингча мазкур Қарорда давлат солиқ органларини маъсулиятлари қуйидагича белгиланиши лозим.

“5. Давлат солиқ қўмитаси томонидан тегишли хизмат кўрсатиши ва савдо жойларида пластик карточкалар орқали тўловлар амалга оширилишини назорат қилиши юклансин”.

Олтинчидан, пул муомаласини такомиллаштириш мақсадида бир хил ёки бир-бирини инкор қилувчи меъёрий-ҳуқуқий хужжатларни унификация қилиш зарур. Унификация қилиш натижасида мунтазам равишда ўзгарувчан ҳисобланмиш ушбу соҳада тушунмовчиликлар камайтиради.

Еттинчидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Пул муомаласини тартибга солишнинг айрим чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори 1993 йил 11 декабрда қабул қилинган бўлиб, мазкур қарорга кўра пул муомаласини янада тартибга солиш ва "Сўм-Купон" курсини мустаҳкамлаш

назарда тутилган. Бугунги кунда Ўзбекистонни пул бирлиги сўм бўлиб, "Сўм-Купонлар" мавжуд эмас. Шу сабабдан мазкур қарорни янги таҳрирда қабул қилишни ёки уни бекор қилишни таклиф этамиз.

Саккизинчидан, “Банк кассаларига топширилаётган нақд пул тушумининг барқарор ўсишини ва уларнинг узлуксиз берилишини таъминланиши бўйича мансабдор шахсларни рағбатлантирилиши ва уларнинг масъулиятини ошириш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 8 ва 9- бандини қуйидаги таҳрирда баён этишни таклиф этамиз.

8. Ушбу Низом талабларининг бажарилишини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Давлат солиқ қўмитаси назорат қилади.

Аниқланган ҳолатлар бўйича тегишли таъсир чораларини қўллайди ёки қонун бузилиш ҳолати бўйича ваколатли органларга тақдимнома киритади.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Давлат солиқ қўмитаси банк кассаларига тушаётган нақд пул тушумларининг барқарор кўпайиб боришини рағбатлантиришга ва *пул муомаласини тартибга солишга* доир чора-тадбирларнинг бажарилиши тўғрисида тегишли ҳудудий (Бош) бошқармаларидан олинган маълумотлар асосида тижорат банклари, солиқ ва инкассация хизматининг шаҳар ва туман бўлимлари бўйича умумлаштиради ва таҳлил қилади.

Ушбу келтирилган хулоса ва таклифларни амалиётга жорий этилиши, пул муомаласини такомиллаштиришга, хўжалик юритувчи субъектларни рақобатбардошлигини оширишга, пул бирлигимизнинг ва миллий иқтисодиётимизнинг барқарорлигига олиб келади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари

1. И.Каримов Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Т.: “Ўзбекистон”, 2000, Б. 18.
2. И.Каримов Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9.– Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 439 б.
3. И.Каримов Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. 11. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003. – 320 б.
4. И.Каримов Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12. – Тошкент: Ўзбекистон, 2004. – 400 б.
5. И.Каримов Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш-барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – 320 б.
6. И.Каримов Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т. 16. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – 368 б.
7. И.Каримов Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: “Ўзбекистон”, 2009. – Б. 3.
8. И.Каримов Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т.19. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 360 б.
9. И.Каримов Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Т.20. –Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – 320 б.

II. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. 44-бет.

2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. (Биринчи қисм). Олий Мажлис Ахборотномаси, 1996 й., 2-сонга илова-сон, 1-модда.

3. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 31 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги 336-ХП-сонли қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1991 йил. - № 11-14, 246-модда.

4. Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)”ги қонуни. Халқ сўзи, 2014 йил, 16 апрель.

5. “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда.

11. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 54-модда.

12. “Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидалари” АВ 17.12.1998 йил 565-сон билан рўйхатга олинган).

13. Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 й., 1-2-сон, 6-модда.

14. АВ томонидан 16.04.2008 й. 1792-сон билан рўйхатга олинган 24.03.2008 й. Марказий банк Бошқарувининг 296-В-сон, Давлат солиқ қўмитасининг 2008-21-сон Қарори билан тасдиқланган.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

1. “Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”. ПФ-3751-сон. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 19-сон, 161-модда.

2. “Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 07.11.2007 й. № ПК-726. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 45-сон, 454-модда.

3. Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 16.06.1994 йилдаги ПФ-870-сон, кучга кириш санаси 16.06.1994.

4. “Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисида”ги йўриқнома. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 43-44-сон, 334-модда.

5. “Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори 27.06.2008 йилда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 1831, кучга кириш санаси 07.07.2008 Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 26-27-сон, 258-модда.

6. “Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сон қарори. ЎР ҚХТ, 2012 й., 35-сон, 403-модда.

7. “Банк кассаларига топширилаётган нақд пул тушумининг барқарор ўсишини ва уларнинг узлуксиз берилишини таъминланиши бўйича мансабдор шахсларнинг рағбатлантирилиши ва уларнинг масъулиятини ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” Ўзбекистон

Республикаси Марказий банки Бошқарувининг, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасининг қарори 16.04.2008 йилда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 1792, кучга кириш санаси 26.04.2008 ЎР ҚХТ, 2008 й., 16-сон, 122-модда.

IV. Асосий адабиётлар

1. Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. – Т.: “Иқтисод – молия”, 2007, 264 – б.
2. Грачева Е.Ю., Соколова Э.Д. Финансовое право: Учеб. пособие. – М.: Юристъ, 2001. – 384 б.
3. Деньги, кредит, банки: Учеб. – 2 – е изд., перераб. и доп./под ред. В.В.Иванова, Б.И.Соколова. –М.: ТК Велби, изд – во Проспект, 2008. –С. 26.
4. Деньги, кредит, банки: Учебник для вузов. Под.ред. проф. Щегорцова В.А. –М.:ЮНИТИ – ДАНА, 2005. –С. 14.
5. Деньги, кредит, банки: учебник/кол. авт.: под ред.засл.деят. науки РФ, д.э.н. проф. О.И.Лаврушина. – 5 – е изд., стер. –М.: КНОРУС, 2007. – С. 57.
6. Карасева М.В. Финансовое правовотношение: Дис. д-ра юрид. наук. – Воронеж, 1999. – 369 б.
7. Крохина Ю.А. Финансовое право: Учебник для вузов. – М.: Норма, 2004. – 704 б.
8. Ли А.А. Финансовое право Республики Узбекистан. Учебник. / Отв.ред. М.Х.Рустамбаев. – Т.: Ташкентский Гос. юридический институт, 2003. – 416 б.
9. М.В.Карасева, Ю.А.Крохина. Финансовое право. Москва, Норма, 2012 г. Ст.147.
10. Марпатов М.Д. Пул муомаласи ва пул массаси. Пул, кредит ва банклар: Дарслик. А.А.Омонов, Т.М.Қоралиев. – Тошкент. 2011. 388 б.
11. Муллажонов Ф.М. Ўзбекистон Республикаси банк тизими. –Т.: “Ўзбекистон” 2001. 33 – бет.

12. Мусаткина А.А. Финансовая ответственность в системе юридической ответственности: Автореф. дис. канд. юр. наук – Тольятти, 2004. - 28 б.
13. Раҳимова А., Ҳожиёв Э. Молия ҳуқуқи. Дарслик. Тошкент, 2002. – 408 б.
14. Рашидов О.Ю. ва бош. Пул, кредит ва банклар. Дарслик – Т.: ТДИУ, 2008. 432 б.
15. Рашидов О.Ю. ва бош. Пул, кредит ва банклар. Дарслик. –Т.: ТДИУ, 2008. 22 – б.
16. Соколов Б.И. Деньги, кредит и банки. Учебник. –М.: ТК Вебли, Изд – во. Проспект, 2008. –С.8.
17. Финансовое право: Учебник / Отв.ред. Н.И.Химичева – М.: Издательство БЕК, 1996. – С. 525.
18. Финансовое право: Учебник / Под ред. проф. О.Н.Горбуновой. – М.: Юристъ, 1996. – 400 б.
19. Ш.Билолхўжаева, Ғ.Т.Ҳақимов. Ўзбекистон Республикасининг молия ҳуқуқи. Ўқув кўлланма. – Т., 2012.
20. Э.Ҳожиёв, Ғ.Самиғжонов “Ўзбекистон Республикаси банк ҳуқуқи”. Тошкент. 2006 йил. 5-бет.

V. Қўшимча адабиётлар

1. Эриашвили Н.Д. “Банковское право”. Учебник. Москва, Закон и право. 2003 й. 8-б.
2. Смит А. Исследовние природе и причинах богатства народов. Том 1. –С.418, 421.
3. Долан Э., Линдсей Д. Макроэкономика. – СПб.: 1994, – С. 7 – 8.
8. Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика. –М.: 1993. – С. 474 – 475.
9. Пезенти А. Очерки политической экономики капитализма: в 2 т.: пер. С итал. Т.1. – С. 472 – 473.

VI. Интернет сайтлари

1. <http://www.lex.uz> (Ўзбекистон).
2. охс.uz (Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди расмий сайти).
3. www.superjava.lark.ru Маслаҳатлар сервери.
4. el.tfi.uz/pdf/pkb. Тошкент молия институти расмий сайти
5. <http://www.gov.uz> (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг портали).